М.А. ХАНДАМОВА

ДИНШУНОСЛИК

фанидан семинар машғулотларини ўтказиш бўйича ўқув-услубий қўлланма

IFL
SAMARQAND
DAVLAT CHET TILLAR INSTITUTI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

М.А. ХАНДАМОВА

ДИНШУНОСЛИК

фанидан семинар машғулотларини ўтказиш бўйича ўқув-услубий қўлланма

СамДЧТИ ўқув-услубий Кенгашининг 2014 йил 2 июлдаги йиғилиши 5-сон қарори билан нашрга тавсия этилган

Самарқанд - 2014

УДК 2:294.3:22/28:297.297.18
Х 26

АНОТОЛ[illegible]
ОХАМ А[illegible] АВ[illegible]

Диншунослик фанидан семинар машғулотларини ўтказиш бўйича ўқув-услубий қўлланма. - Самарқанд: 2014, 80 бет.

Мазкур ўқув-услубий қўлланма институт бакалавриат талабаларига мўлжалланган. Диншунослик фанидан 20 соатлик семинар дарсларини замонавий педагогик технологиялар асосида ўтказиш бўйича услубий тавсиялар берилган.

Масъул муҳаррир: **доцент М.Ж. Бозоров**

Тақризчилар: **ф.ф.д. О. Ғайбуллаев**
доцент С.С. Долиев

© Самарқанд давлат чет тиллар институти, 2014

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг ўзбек халқининг маънавий мероси, дини, шу жумладан ислом қадриятлари, миллий ғоя, миллий мафкура ҳақида билдирган фикр ва хулосалари, таъриф ва тавсифлари диншунослик фанини ўқитишда дастурул амал, назарий асос бўлиши талаб этилади. Талабалардан Ўзбекистон Конституцияси, "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги янги таҳрирдаги Қонун ва бошқа қонуний хужжатларда диний масала юзасидан белгиланган инсон ҳуқуқлари, турли диний жамоа ҳуқуқлари ва мажбуриятларини билиш талаб этилади. Ўзбек ҳалқининг илғор маданий ва маънавий меросини тиклаш ва янги шароитда янада ривожлантириш Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг шарофати эканлиги, айни вақтда бу ҳудуддаги илк замондан ҳозиргача мавжуд бўлган динлар тарихи, диний тажриба таджирий тараққиётини ўрганиш талабаларда Ватан тарихини чуқурроқ тушуниб етиш, уни севиш ва фахрланиш ҳис-туйғуларини шакллантиришга йўналтирилган.

Мазкур услубий қўлланма маъруза машғулотларидан кейин ташкил қилинадиган 20 соатлик семинар машғулотларини ташкил қилишнинг методик асосларини ёритишга бағишланган. Жумладан, семинар машғулотларида қуйидаги мавзуларни ўрганиш методикаси ёритилади.

1. Диншунслик фанига кириш
2. Диннинг ибтидоий шакллари.
3. Миллий динлар.
4. Зардуштийлик.
5. Буддавийлик.
6. Христианлик.
7. Ислом
8. Исломнинг асосий манбалари
9. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар
10. Миссионерлик ва прозелтизмнинг салбий оқибатлари

1-МАВЗУ: ДИНШУНОСЛИК ФАНИГА КИРИШ

Машғулот режаси

1. Диншунослик фанини ўқитишдан кўзда тутилган асосий мақсад
2. Диннинг жамиятдаги функциялари.
3. Диннинг пайдо бўлиши.
4. Динлар таснифи.

Мавзунинг қисқача мазмуни:

Диншунослик фанини ўқитишдан кўзланган асосий мақсад. Дин инсоният маънавий ҳаётининг таркибий қисмидир. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда динга янгича қараш ва муносабат билдириш имконияти туғилди. Натижада биз учун нисбатан янги бўлган диншунослик фани вужудга келди. Бу фан илгариги атеизмдан фарқли ўлароқ, динни танқид қилиш, уни жамиятдан йўқотиш мақсадида эмас, балки унга миллий маънавиятнинг бир бўлаги сифатида ёндашиб, уни холисона ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Дин – эътиқод. Эътиқод (арабча "иътақада" феълидан) ишонч, имонли бўлиш маъноларини англатади. Кенг маънода эътиқод инсон фаолияти учун маънавий асос, йўл-йўриқ ва мўлжал бўлиб хизмат қилувчи, ақл, ҳис ва ирода воситасида англанган билим, ғоя ва шу асосда шаклланадиган мақсадлар мажмуини ҳамда уларнинг тўғрилигига ишонч билан боғлиқ бўлган психологик ҳолатни ифодалайди. Билим ва ғоялар инсоннинг ҳам ақли, ҳам қалби билан ўзлаштириб олинганидагина эътиқодга айланади. Умуман олганда, эътиқод шахс, гуруҳ ва оммани жипслаштирувчи, одамларни ижтимоий ҳаётнинг фаол аъзосига айлантирувчи омил ҳисобланади. Эътиқод инсон вояга етиши билан боғлиқ ҳолда тўпланган билимлар, ўзига хос эҳтиёж ва манфаатлар, ҳаётий тажриба аосида шаклланиб, мутаҳкамланиб боради ва шахс фаолиятининг изчил, мантиқий ва мақсадли бўлишига олиб келади.

Дин инсонни қуршаб олган атроф-муҳитдан ташқарида бўлган, уни ва коинотдаги барча нарсаларни яратган, айни

замонда инсонларга тўғри, ҳақиқий, одил ҳаёт йўлини кўрсатадиган ва ўргатадиган, илоҳий борлиққа ишонч ва ишонишни ифода этадиган маслак, қараш таълимотидар. Диннинг вазифалари деганда, диннинг алоҳида шахсга ва жамиятга таъсир қилиш йўли ва табиати назарда тутилади. Диннинг ижтимоий вазифалари. Диннинг жамиятда бажарадиган ижтимоий, маънавий, руҳий вазифалари қуйидагилардан иборатдир:

Биринчидан, ҳар бир дин ўз эътиқод қилувчилари учун тўлдирувчилик, тасалли берувчилик – **компенсаторлик** вазифасини бажаради. Масалан, инсонда доимий эҳтиёж ҳосил бўлиши ҳодисасини олайлик. Инсонлари ўз ҳаёти, турмуш тарзи, табиат ва жамият билан бўлган муносабатлари жараёнида ҳаётий мақсадларига эришиши иложсиз бўлиб қолганида, унда қандайдир маънавий-руҳий эҳтиёжга зарурат сезган. Ана шундай эҳтиёжни дин бажариб келган.

Иккинчидан, муайян дин ўз таълимот тизимини вужудга келтиргач, ўзига эътиқод қилувчилар жамоасини шу таълимот доирасида сақлашга ҳаракат қилади ва бу ҳол ҳозирда ҳам мавжуд. Дин ҳамиша муайян ижтимоий, этник ва маънавий ҳаётнинг ўз таъсирида бўлишига интилади.

Учинчидан, ҳар бир дин ўз қавмлари турмушини тартибга солиб, назорат қилувчилик – регуляторлик вазифасини бажаради. Динлар ўз урф-одатларининг, маросим ва байрамларнинг қавмлари томонидан қатъий тартибга амал қилган ҳолда бажарилишини шарт қилиб қўяди.

Тўртинчидан, дин алоқа боғлашлик, бирлаштирувчилик – интеграторлик вазифасини ҳам бажаради, яъни ҳар бир дин ўз қавмларининг бирлигини, жамият билан шахснинг ўзаро алоқадорликда бўлишини таъминлашга интилади. Бунда у ёки бу динга эътиқод қилувчи кишиларнинг ўз динидаги бошқа кишиларнинг ўз динидаги бошқа кишилар билан алоқадор эканлиги, ўзаро ҳуқуқ ва бурчларнинг борлиги, урф-одат ва ибодатларни жамоа бўлиб бажарилиши лозимлиги назарда тутилади.

Бешинчидан, диннинг интеграторлик вазифаси билан легитимловчилик-қонунлаштирувчилик вазифаси билан

чамбарчас боғлиқ. Диннинг бу функцияси назарий асосини йирик америкалик социолог Т.Парсонс ишлаб чиққан. Унинг фикрича: "Ҳар қандай ижтимоий тизим муайян чекловларсиз мавжуд бўла олмайди. Бунинг учун у қонун даражасига кўтарилган ахлоқ нормаларини ишлаб чиқиши керак. Дин бундай нормаларни қонунлаштирибгина қолмай, уларга бўлган муносабатни ҳам белгилайди".

Диннинг пайдо бўлиши. Диннинг тарихийлиги масаласида икки хил қарашлар мавжуд.

Биринчиси. Марксистик таълимотнинг собиқ тарафдорлари фикрича, "қандайдир муддат инсоният динсиз яшаган ва жамиятнинг муайян босқичида – сўнгги палеолит (мил.авв. 40-12 минг йиллар) даврида пайдо бўлган" деб ҳисоблашади. Иккинчиси. "диннинг келиб чиқиши инсониятнинг пайдо бўлиши билан бевосита боғлиқ", деган фикрдир.

Динлар таснифи. Динлар унга эътиқод қилувчиларнинг сони, миқёси, ўзининг маълум миллат ёки халққа хослиги ёхуд миллат танламаслигига кўра турли гуруҳларга бўлинади:

1. Уруғ-қабилавий динлар –тотемистик, анимистик тасаввурларга асосланган, ўз уруғидан чиққан сеҳргар, шомон ёки қабила бошлиқларига сиғинувчи динлар. Улар миллат динлари ва жаҳон динлари ичига сингиб кетган бўлиб, ҳозирда Австралия, Жанубий Америка ва Африкадаги баъзи қабилаларда ва айрим ҳудудларда асослар сақланиб қолган;

2. Миллат динлари – маълум миллатга хос бўлиб, бошқа миллат вакиллари ўзига қабул қилмайдиган динлар. Уларга яҳудийлик (яҳудийлик миллатига хос), ҳиндуийлик (ҳиндларга хос), Конфуцийчилик (хитой миллатига хос), синтоизм (японларга хос) киради;

3. Жаҳон динлари – дунёда энг кўп тарқалган, кишиларнинг миллати а динлар. Унга буддавийлик, христианлик ва ислом дини киради.

Бундан ташқари, динлар таълимотига кўра **монотеистик**-яккахудолик ва **политеистик**–кўпхудолик динларига бўлинади.

Семинар машғулотларига тайёрланишда қуйидаги савол ва топшириқларга аниқ жавоб топишга урининг

➢ Диншунослик фанининг бошқа фанлар билан боғлиқлигини тушунтиринг?

➢ Диншунослик фанининг мақсади нимадан иборат?

➢ Диннинг келиб чиқиши ҳақида қандай назариялар мавжуд?

➢ Динлар таълимотига кўра қандай динларга бўлинади?

Семинар машғулотида гуруҳ бўлиб ишлаб қуйидаги саволларга жавоб топилади ва гуруҳ фаолияти баҳоланади.

1-гуруҳ саволи. Уруғ қабила динларига қайси динлар киради?

2-гуруҳ саволи. Миллат динларига қандай динлар киради?

3-гуруҳ саволи. Жаҳон динларига қандай динлар киради?

Гуруҳлар ўз жавобларини махсус топшириқ жавобларига ёзадилар. Жавоблар "Чархпалак" технологияси асосида барча гуруҳлар томонидан муҳокама қилинади ва иш якунида гуруҳ талабаларининг тақдимоти уюштирилади. Шундан сўнг талабаларнинг ҳар бирига жадвални тўлдириш топширилади.

Диншунослик фанининг мақсади ва вазифалари	Диннинг жамиятдаги функциялари	Диннинг ибтидоий формалари

Семинар машғулотига тайёрланишда қуйидаги адабиётлардан фойдаланинг

1. Ўзбекистон Республикаси Контитутцияси. –Т., «Ўзбекистон», 2008.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т., «Ўзбекистон», 1999.

3. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. – Т., «Ўзбекистон», 2008.

4. Маънавий юксалиш йўлида (Муаллифлар жамоаси) – Т., «Маънавият», 2008.

5. Диншунослик асослари. А.И. Абдусамедов таҳрири остида.Тошкент: «Ўзбекистон», 1995.

6. Жўраев У. , Саиджонов И. Дунё динлари тарихи. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1998.

7. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Ҳ. ва бошқалар. Диншунослик. Дарслик, - Т., "Меҳнат", 2004.

8. Исломов З. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. /Ўқув қўлланма, Т.: 2013.

2-МАВЗУ: ДИННИНГ ИБТИДОИЙ ШАКЛЛАРИ

Машғулот режаси

1. Диний онг асосларининг шаклланиши.
2. Ибтидоий мифология.
3. Диннинг ибтидоий шакл ва турлари.

Мавзунинг қисқача мазмуни:

Қачонлардир инсоният онгида реал ҳаёт билан бир қаторда ўзга дунё мавжудлиги, марҳумлар тириклар ҳаётига таъсир эта олиши тўғрисидаги ғоялар юзага келган. Бу эса инсонларни турли хил таъсир объектларига айлантиришда роль ўйнаган. Илоҳий манбаларда хусусан, динвий адабиётлар: "Авесто", "Таврот", "Инжил" шунингдек, "Қуръони карим"да ҳам инсоннинг яратилиши унинг ер юзидаги илк ҳаёти ҳақида ўзига хос тарзда талқинлар мавжуд. Инсоният тарихига назар ташлайдиган бўлсак, унинг кундалик ҳаёти билан боғлиқ бўлган муҳим ишлар. Жумладан, туғилиш, озиқа топиш, ов қилиш, ўз хавфсизлигини таъминлаш, дафн маросими кабилар турли диний тасаввур ва эътиқодлар билан боғлиқ бўлганлигини кўрамиз.

Дафн маросими. Қадимги данё тарихидан маълумки, одамзод яратилганидан буён ўз қариндошларини кўмишда махсус маросимлар, маълум тайёргарлик удумларига амал қилиб келди. Қадимги Мисрда фиръавнлар жасади қизил

минерал бўёқ билан қопланар, ёнига кундалик эҳтиёж буюмлари, зеб-зийнатлар каби турли-туман асбоб-анжомлар қўйилар эди. Бу эса, ўз навбатида қавмларни дафн этаётган жамоанинг охират мавжуд эканлиги ҳақида муайян тасаввурга эга бўлганлигидан хабар беради.

Тотемизм. "Тотем" сўзи Шимолий Америкада яшаган Ожибва қабиласи тилидан олинган бўлиб, "унинг уруғи" маъносини англатади. Моҳиятан "одамнинг ҳайвонот ёки ўсимликнинг муайян турларига *қариндошлик алоқаси бор*", деб эътиқод қилишидир. Ушбу эътиқод шаклига кўра, фақат баъзи диний маросимларда руҳонийлар ёхуд қабила бошлиқларигина тотемни ейишлари мумкин бўлганлигини ҳисобга олмаганда, тотем ҳисобланган ҳайвон ёки ўсимликни *озуқа сифатида* истеъмол қилиши тақиқланган. Ҳозирда ҳам кўплаб халқларда тотемизмнинг унсурлари сақланиб қолган. Ҳиндларда сигирни муқаддаслаштириш, қирғизларда оқ буғунинг афсонавийбахт келтирувчи ҳайвон сифатида улуғланиши каби кўринишларда учрайдиган бундай унсурлар бугунги кунда ҳам кишилар дунёқараши, маънавиятида сезиларли ўринни эгаллаб келмоқда.

Анимизм. (лотинча "анима"- "руҳ", "жон" маъноларини англатади) руҳларга сиғиниш, табиат кучларини илоҳийлаштириш, ҳайвонот, ўсимлик ва жонсиз жисмларда руҳ, онг ва табиий қудрат борлиги ҳақидаги таълимотни илгари сурувчи илк диний қарашлар шаклларидан бири ҳисобланади. Анимизмда табиатнинг қудратли кучларини – осмон ва ер, қуёш, ой, ёмғир ва шамол, момақалдироқ ва чақмоқ кабилар илоҳийлаштирилиб, уларда руҳ мавжуд деб билинган. Айни пайтда, анимизм доирасида релефнинг алоҳида қисмлари – тоғларва дарёлар, адир ва ўрмонлар каби одам эътиборини тортувчи нарса ва жисмлар ҳам илоҳий муносабатда бўлиниб, ҳатто кўп йиллик дарахт, каттароқ харсанг тош, жарликларга ўхшаш нарсалар ҳам жонли, тафаккурли, сезувчан ва ҳаракат қилувчи, шунингдек, яхшилик ёки ёмонлик келтириши мумкин деб тушунилган.

Шаманизм. (тунгус тилида "шаман" сўзи – "сеҳргар" маъносини англатади) реал натижалар олиш учун илоҳий кучларга таъсир этиш мақсадида сеҳргарлик афсун, магияга

асосланган ҳолда амалга оширилган маросимлар, урф-одатлар мажмуи сифатида чиқади. Унда ота-боболарнинг руҳлари билан хаёлан боғланиш асосий амалиёт ҳисобланади. Шаманизм қадим ўтмишда пайдо бўлиб, минглаб йиллар давомида сақланиб келган ва табиийки, мунтазам ривожланиб борган. Одатда, афсунгарлик урф-одатлари билан махсус одамлар – шаманлар, афсунгарлар шуғулланганлар.

Ўз вақтида, Марказий Осиёда сеҳргарлик маросимларини якка ҳолда ёки жамоа бўлиб амалга ошириш амалиёти кенг тарқалган. Афсунгарлик кўзланган мақсадга қараб бирор бир зарар етказиш ниятида қилинадиган ёвуз душманга қарши қурол-аслаҳаларни сеҳрлашда қўлланилган ҳарбий, "иссиқ" ёки "совуқ" қилиш учун ишлатиладиган севги, даволашда ишлатиладиган тиббий афсунгарлик каби шаклларда намоён бўлган. Сеҳргарликдан ёмғир чиқариш ёки шунга ўхшаш ҳолда об-ҳавони ўзгартириш мақсадларида ҳам фойдаланилган. Минтақа халқлари ҳаётида ҳозирда ҳам шаманизм унсурларини учратиш мумкин.

Фетишизм ("фетиш" сўзи французча fetiche – "бут", "санам", "тумор" маъносини англатади). Моҳиятан табиатдаги жонсиз нарсаларга сиғиниш ҳисобланиб, унга кўра алоҳида буюмларда кишини ўз мақсадига эриштириш, маълум воқеа-ҳодисаларни ўзгартириш қудрати мавжуд бўлади. Фетишизм ёғоч, лой ва бошқа материаллардан ясалган буюмларнинг пайдо бўлиши билан бир пайтда шаклланган. Бутларда ва тумоларда жамолар ғайритабиий дунёдан келадиган илоҳий қудратнинг тимсолини кўрдилар. Бундай эътиқод шаклини ибтидоий давр инсонининг билимсизлиги билан эмас, балки ўз ҳаётини муайяан даражада тартибга солиш, унга бўлган муносабатини ойдинлаштиришга интилишининг ҳосиласи деб қараш ўринли бўлади. Бу каби эътиқод шаклларини, албатта, жаҳон динларига тенглаштириб бўлмайди. Чунки уларда мазкур динларга хос бўлган ва ҳаётнинг деярли барча ижтимоий-иқтисодий, маънавий-руҳий жиҳатларини қамраб олишдек мукаммал тизим йўқ. Фетишизмнинг унсурлари ҳозирги даврда ҳам халқларнинг урф-одат ва анъаналарида, турли тумор, қўзмунчоқ ва ҳар хил рамзларга бўлган муносабатида ҳам сақланиб қолганки, бундан

ўз даврида у кишилар ҳаёти, дунёқараши ва хулқини белгилашда нечоғли муҳим аҳамият касб этгани ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Семинар машғулотларига тайёрланишда қуйидаги савол ва топшириқларга аниқ, лўнда ва мантиқий жавоб топишга урининг:

- Диннинг ибтидоий формаларидан анимизмга таърифи нима?
- Анимизм қандай эътиқодга асосланади?
- Афсунгарлик фаолияти ва уларнинг турлари қандай?
- Диннинг пайдо бўлиши ҳақида тадқиқотчилар қандай фикрларни билдиришган?

Семинар машғулотида гуруҳ бўлиб ишлаб қуйидаги саволларга жавоб топилади ва гуруҳ фаолияти баҳоланади.

1-гуруҳ саволи. Диннинг қандай ибтидоий шаклларини биласиз?
2-гуруҳ саволи.Фетишизм нима?
3-гуруҳ саволи. Тотемизмга мисол келтиринг?

Гуруҳлар ўз жавобларини махсус топшириқ жавобларига ёзадилар. Жавоблар "Чархпалак" технологияси асосида барча гуруҳлар томонидан муҳокама қилинади ва иш якунида гуруҳ талабаларининг тақдимоти уюштирилади.

Семинар машғулотига тайёрланишда қуйидаги адабиётлардан фойдаланинг

1. Ўзбекистон Республикаси Контитутцияси. –Т., «Ўзбекистон», 2008.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т., «Ўзбекистон», 1999.

3. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. – Т., «Ўзбекистон», 2008.

4. Маънавий юксалиш йўлида (Муаллифлар жамоаси) – Т., «Маънавият», 2008.

5. Диншунослик асослари. А.И. Абдусамедов таҳрири остида. Тошкент: «Ўзбекистон», 1995.

6. Жўраев У. , Саиджонов И. Дунё динлари тарихи. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1998.

Мўминов А., Йўлдошхўжаев Ҳ. ва бошқалар.

Диншунослик. Дарслик, - Т., "Меҳнат", 2004

3-МАВЗУ: МИЛЛИЙ ДИНЛАР

Машғулот режаси

1. Яҳудийликнинг вужудга келиши, таълимоти ва оқимлар.
2. Веда ва веда динлари.
3. Ҳиндуийлик.
4. Конфуцийчилик. Даосизм.

Мавзунинг қисқача мазмуни

Миллий давлат динлари деб, одатда бир миллатга мансуб халқлар эътиқод қиладиган ёки бир давлат доирасидан ташқарига чиқмаган динлар тушунилади. Яҳудийлик дунёда кенг тарқалган динлардан биридир. Яҳудийлик мил.авв. 2000 йилларнинг охирларида Фаластинда вужудга келган яккахудолик ғоясини тарғиб қилган диндир. Яҳудийлик миллат дини бўлиб, фақатгина яҳудий халқига хос. Яҳудий сўзининг келиб чиқиши ҳақида турли фикрлар мавжуд. Абу Райҳон Беруний ўзининг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" китобида ёзишича, яҳудийлар бу сўзни сомий тилларидаги ҳода- "тавба қилмоқ, тавба қилганлар" сўзидан келиб чиққан деб даъво қилсалар-да, аслида бу фикр нотўғри, "яҳудий" сўзи Бану Исроил халқи устидан ҳукмронлик қилган Яъқуб пайғамбарнинг ўғли Яҳудо номига нисбатан берилган.

Яҳудийлик таълимоти тўрт асосга таянади. 1. Оламларни янратувчи ягона худо – Яҳвега имон келтириш. Яҳве сўзи "рабб, парвадигор" маъносини билдиради. Яҳудийлик таълимотига кўра, Яҳве оламларни яратишниякшанбада бошлаб, жума куни тугатди, шанба куни эса дам олди ва яҳудийларга ҳам шу куни дам олишни буюрди. 2. Яҳудийлар ер юзидаги халқларнинг "энг мумтози" ва у "дунёда берилажак инъомларнинг энг ҳақлиси эканлиги". 3. Мессия – халоскорнинг келиши ҳақида. 4. Охират кунига ишониш.

Таврот. Мусога тегишли бўлган беш китоб "Таврот" деб аталади ва қуйидаги китобларга бўлинади. 1 "Борлиқ" ёки "Ибтидо"; 2 "Чиқиш"; 3 "Левит"; 4 "Сонлар"; 5 "Иккинчи

қонун". Яҳудийликдаги оқимлар қадимий ва замонавий оқимларга бўлинади. Қадимий оқимларга садуқийлар, фарзийлар, ессейлар киради. Замонавий оқимларга эса сионизм киради. Яҳудийларнинг йиллик байрамлари ичида энг эътиборлиси Пейсах (Pessah; Пасха) байрамидир. Бу байрам христианларнинг пасхасидан фарқли ўлароқ, яҳудийларнинг Мисрдаги қулликдан қутилиб чиққанлари муносабати билан нишонланади. Пасха байрамидан кейинги етти кун давомида тузсиз, хамиртуришсиз патир–маца тановул этадилар. Бу байрам яҳудийларнинг қуёш-ой календари бўйича нисон ойининг 14 куни нишонланади (бу сана апрел ойининг ўрталарига тўғри келади). Пасхадан кейинги 50-куни яҳудийлар Шабуот ёки Шевуот байрамини нишонлайдилар. Кузда Рош-Ашона, Йом-Кипур нишонланади. Пурим (қуръа) байрами яҳудий байрамлари ичида энг қувноғи ҳисобланади.

Ведизм. Мил.авв. иккинчи минг йиллик ўрталарида Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбий қисмига, ҳозирги Панжоб ҳудудига ғарбдан Ҳиндиқуш довони орқали ўзларини орийлар деб атаган жангари халқлар бостириб кела бошладилар. Бу халқлар Эронга кўчиб келган қўшни қабила тилларига жуда яқин бўлган, ҳинд-европа тилларидан келиб чиққан тилда гаплашар эдилар. Улар ўзлари билан муқаддас ёзувлари – Ведалар (санскр – муқаддас билим)ни ҳам олиб келган эдилар. Ведалар таркибига турли даврларда ёзилган бир неча китоблар кирган бўлиб, улар ўз ичига ибодат, маросимлар, фалсафий таълимотлар, тарихий хабарларни олган эди. Ведалар 4 йирик тўпламдан иборат:

1.Ригведа (мадҳиялар ведаси)

2.Самаведа (Қўшиқлар ведаси)

3. Яжураведа (Қурбонликлар ведаси)

4.Атхарваведа (Афсун ва жодулар ведаси).

Веда худолари – осмон, қуёш, ҳаво, ер, аёл худолари тоифаси ҳақида мадҳиялар баён этилган. Веда ибодатлари икки турга бўлинади. Биринчиси дуолар, иккинчиси худоларга атаб қилинадиган қурбонликлар ёки бошқа бир нарсаларни тақдим қилишдан иборат.

Ҳиндуизм жуда мураккаб диндир. У бир томондан йирик ижтимоий ташкилот, иккинчи томондан турли динлар қоришмасидир. Ижтимоий ташкилот сифатида кастачилик асосига қурилган. Маълумки, мил.ав. VI асрда Ҳиндистонда буддизм дини вужудга келди. У брахманизмдаги бир неча жиҳатларни қабул қилган бўлса-да, каста таълимотини инкор этди. Ўша даврда Ҳиндистонда каста тузумини сақлаб қолишга, брахманизм динини ислоҳ қилиб, қайта тиклашга ҳаракат бошланди. Бу ҳаракат брахманизм билан буддизм ўртасидаги курашни ифодаловчи ҳиндуизм эди. Бу дин, асосан, Ҳиндистонда тарқалган бўлиб, мамлакат аҳолисининг 83 фоизи шу динга эътиқод қилади. Ҳиндуизмда тримурти учлик – Брахма, Вишну, Шива худолари асосий худолар саналиб, брахма уларнинг энг каттаси – дунёни яратган худо ҳисобланади. Бироқ ҳиндуизмда фақат Вишну ва Шивагагина сиғинадилар. Шунга биноан, ҳиндуизм икки асосий асосий оқимга бўлинади: Шивага сиғинувчилар ва Вишнуга сиғинувчилар.

Конфуцийчилик фалсафий ғоя сифатида майдонга келган. Унинг асосчиси Конфуций (Кун Цзи) мил.ав. 551 йилда туғилиб, мил.ав. 479 йилда вафот этган. Конфуций комил инсон (цзюн-цзи) ҳақидаги ғояни яратди. Цзюн-цзи, яъни юксак маънавиятли инсон икки асосий хусусиятга эга бўлиши керак: инсонийлик ва маъсулият. Комил инсон энг аввало, ишончли ва фидоий бўлиши лозим. Конфуцийчиликнинг илк кўринишида ахлоқ масаласи биринчи ўринга қўйилган, диний эътиқод эса иккинчи даражали саналган. Шунингдек, у тақдир, инсон умри, ўлим ҳақида сўз юритишдан қочган. Ундан: "Ўлим нима?" деб сўраганларида, у: "Биз тириклик нима эканлигини билмаймиз-у, ўлим нима эканлигини қаердан била олар эдик", деб жавоб берган. Конфуцийнинг яна бир таълимоти – "Сяо" бўлиб, у инсон ўз ота- онасига муносиб бўлиши ҳақидаги ғояни ўзида мужассам қилган. Конфуций фикрича, инсон учун Сяодан муҳимроқ нарса йўқ. У: "Сяо ва Ди" уканинг акага, кичикларнинг катталарга ҳурмати) инсонийликнинг асосидир" деган. Даосизм фалсафий таълимот сифатда Хитойда мил.ав. биринчи минг йилликнинг ўрталарида конфуцийчилик билан

деярли бир вақтда пайдо бўлди. Бу таълимотнинг асослари "Даодецзин" рисоласида ўз аксини топган. Мазкур рисола муаллифи Лао-Цзи ҳисобланади. Даосизм таълимотининг туб ғояси моддий оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг турли туманлигининг моҳиятини таъминловчи уларнинг мавжудлик сабаби ва манбаини ташкил этувчи "дао" тўғрисидаги тасаввурлардан иборатдир. "Дао" дегани абадий ўзгариб турадиган ва одамлар дунёсининг "йўли" маъносини англатади. Бу "йўл" на худо, на одамга боғлиқ эмас, унинг ўзгарувчанлиги табиий қонун. Даосизм одамлардан шу табиий қонундан чекинмасликни талаб қилади. Кейинчалик буддизм таъсири остида бу ғоя актив фаолиятдан воз кечиш, пассив бўлишни тарғиб қилган. Шу асосда даосизм хулқ-атвордаги олий таомил – пассивлик, ҳар ким ўз иродасини ва фаолиятини чеклашга ҳаракат қилиши зарур, таълим беради.

Семинар машғулотига тайёрланишда қуйидаги савол ва топшириқларга аниқ жавоблар топишга урининг:

1. Конфуцийчилик ғояси нималардан иборат?
2. Даосизмда ахлоқ масалалари қандай ўринни эгаллайди?
3. Ҳиндуизмда қандай оқимлар мавжуд

Семинар машғулотида гуруҳ бўлиб ишлаб, талабалар билимини текширишга йўналтирилган топшириқлар:

1-гуруҳ топшириғи; Яхудийликнинг вужудга келиши ва таълимоти ҳақида нималарни биласиз?

2-гуруҳ топшириғи; Веда ва веда динлари ҳақида нималарни биласиз?

3-гуруҳ топшириғи; Конфуцийчилик-Хитойдаги фалсафий таълимот ҳақида нималарни биласиз?

4-гуруҳ топшириғи; Хиндуийлик ва Даосизм ҳақида нималарни биласиз?

Машғулот бошида тавсия этиладиган блиц-сўров

Миллий динлар деб қандай динларни айтасиз?
Яхудийликдаги асосий маросимлар кандай?
Миллий динларнинг асосий манбаларини аниқланг.

Яҳудийликдаги сиёсий оқимларни айтинг
Брахманлар кимлар?
Хиндуийликда нечта каста мавжуд?

Машғулот бошида ҳар бир талабага қуйидаги карточка тарқатилиб 5 дақиқа вақт белгиланади. Жадвални тўлдиринг

Яхудийлик динидаги қандай оқимларни биласиз?	Яхудийлик-даги асосий маросимлар ни санаб беринг.	Хиндуийлик даги мавжуд касталарни санаб беринг.	Конфуций-чиликдаги асосий талаблар нималардан иборат.

Семинар машғулотига тайёрланишда қуйидаги адабиётлардан фойдаланинг

1. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. – Т., «Ўзбекистон», 2008.
2. Диншунослик асослари. А.И. Абдусамедов таҳрири остида.Тошкент: «Ўзбекистон», 1995.
3. Жўраев У. , Саиджонов И. Дунё динлари тарихи. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1998.
4. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Ҳ. ва бошқалар. Диншунослик. Дарслик, - Т., "Меҳнат", 2004.
5. Жабборов И., Жабборов С. Жаҳон динлари тарихи. – Т., "Ўзбекистон", 2002.
6. Бозоров М.Ж., Мардонов Р.С.. Диншунослик асослари.(маърузалар матни) Самарқанд, 2001

4-МАВЗУ: ЗАРДУШТИЙЛИК

Машғулот режаси

1. Зардушт ҳаёти ва фаолияти.
2. Зардушт таълимоти.
3. "Авесто" зардуштийликнинг асосий манбаси.

Мавзунинг қисқача мазмуни

Зардуштийлик мил.ав. бир минг йилликнинг биринчи яримида Марказий Осиёда вужудга келган диндир.Заратуштира қадимги дунё муаллифлари маълумотларига кўра афсонавий шахс ҳисобланган. Аммо "Авесто"нинг Готлари ва Яшт боблари Заратуштрани тарихий шахс сифатида ёритади. Заратуштранинг номи қадимги эрон "Заратуштра" сўзидан келиб чиққан, "Зар"-бу олтин, "уштра" – туя ёки уч хил маънода – "Олтинтуяли", "Олтин туч эгаси", "Туялар етаклаган одам" деб таржима қилинади.

"Авесто"да Заратуштра уруғининг номи, ота ва онасининг исмлари, оиласи ва фарзандлари ҳақида маълумотлар бор. Заратуштра коҳинлар оиласида туғилган бўлиб, спитама авлодидан ҳисобланади. Унинг отаси ва онасининг исмлари – Поурушасп ва Дугдова бўлган. Заратуштра уйланган бўлиб, иккита қиз фарзанд кўрган. Зардуштийлик ваҳй орқали эълон қилинган жаҳон динларининг энг қадимийсидир. Зардуштийлик дини пайғамбар Зардушт номига нисбат берилиб, шартли равишда шундай айтилиб келинди. Аслида эса у мазкур диннинг муқаддас китоби ҳисобланмиш Авестода "Маздаясна" дини деб аталган. Бу сўзни "Маздага сиғинмоқ" деб таржима қилиш мумкин. "Мазда" сўзи "дониш, донишманд, оқил" каби талқин этилади. Зардуштийлик яна "Беҳдин", яъни "энг яхши дин" деб ҳам улуғланган. Унинг таълимотига кўра, барча эзгу борлиқ Мазданинг иродаси билан яратилган. "Мазда" сўзи олдига улуғлаш маъносини англатувчи "Ахура" қўшилиб, зардуштийликнинг илоҳи – Ахура-Мазда номи номи пайдо бўлган. Зардушт туғилган ва илк диний фаолиятини бошлаган жой хусусида икки хил қарашлар бор.

1. "Ғарб назарияси" бўлиб, унга кўра Мидия (Эрон) Зардуштнинг ватани ва зардуштийликнинг илк тарқалган жойи ҳисобланади. Назариячиларнинг фикрига кўра, биринчидан, зардуштийликнинг Қадимги Эрон ҳудудларида кенг тарқалганлиги бўлса, иккинчидан, зардуштийликнинг муқаддас китоби Авестога ёзилган шарҳларнинг қадимий эрон-паҳлавий тилида бўлганлигидир.

2. "Шарқ назарияси" бўлиб, унга кўра Зардушт ватани ва зардуштийликнинг илк тарқалган жойи Хоразм ҳисобланади. Зардуштийликнинг асосий манбаи Авестода: "Биринчи бор муқаддас олов – "Озархурра" "Аирянем-Ваэжа"да ёқилди", - дейилади. Хоразмда ўтказилган кўп йиллик археологик тадқиқотлар, муқаддас "Авесто" китобининг 3000 йиллик юбилейининг жаҳон миқиёсида нишонланиши мазкур муаммога анча аниқликлар киритишга ёрдам берди.

Зардуштийлик Марказий Осиёда ибтидоий даврда мавжуд бўлган табиат кучларини илоҳийлаштирувчи эътиқодларга нисбатан монотеистик таълимотдир. У беҳуда қон тўкувчи қурбонликлар, ҳарбий тўқнашувлар, босқинчилик урушларини қоралаб, ўтроқ, осойишта ҳаёт кечиришга, меҳнатга, деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланишга даъват этади. Моддий ҳаётни яхшилашга уринишни ёвузликка қарши кураш деб ҳисоблайди. Бу диннинг энг муҳим белгиси унинг дуалистик характерга эга эканлигидир. Унда ёруғлик, эзгулик худоси Ахурамазда ва қоронғулик, ёвузлик худоси Аҳримон орасидаги доимий жиддий кураш ғояси ётади. Зардуштийлик таълимотига кўра келажакда Ахурамазда Аҳримон устидан ғалаба қозонади, бутун инсоният бирикиб, ягона давлат ва ягона тил ўргатилади. Бундай демократик ғоялар зардуштийликнинг узоқ давр халқ орасида сақланиб келишига сабаб бўлган. Зардуштийликда имон уч нарсага асосланади: фикрлар софлиги, сўзнинг собитлиги, амалларнинг инсонийлиги. Ҳар бир зардуштий кунига беш марта ювиниб, покланиб, куёшга қараб, уни олқишлаб сиғиниши шарт. Зардуштийлик ибодатхоналарида доимий равишда олов ёниб туради. Уларда дунёдаги тўрт унсур – сув, олов, ер ва ҳаво улуғланади. Авесто зардуштийлик муқаддас китобларининг мажмуидир.

Авестонинг сақланиб қолган тўртта китобидан биринчисининг номи "Видевдат" (Девларга қарши қонун) деб аталиб, 22 бобдан иборат. Иккинчи китоб "Ясна" 72 бобдан иборат. Унда зардушт ўзи ижод қилган тарғибот шеърлари ҳам киритилган.

Учинчи китоб "Висперед" деб номланган. У 24 бобдан ташкил топган бўлиб, маъбудалар шаънига ўқилган дуолар ва ибодат устида уларга мурожаатлар ҳамда оламни билишга доир панд-насиҳатлардан иборат.

Тўртинчи китоб "Яшт" (гимн) деб аталади. У Авестонинг энг қадимги қатлами бўлиб, 22 бобдан иборат. Ҳар бир боб Ахурамаздадан бошлаб, у яратган ва унинг маълум вазифаларини бажарувчи маъбудалар шаънига айтилаган мадҳиялардан иборат. Авесто ҳақида энг муҳим манба IX асрга оид "Динкард" (дин амаллари) асаридир. Унда Авестонинг 21 китоби тўла таърифлаб берилган. Зардуштийлик дини ҳақида француз олими Анкетил Дюперрон жуда қимматли маълумотлар қолдирган. Бу динни ўрганиш ҳозирги кунларда ҳам фаол олиб борилмоқда.

Семинар машғулотига тайёрланишда қуйидаги савол ва топшириқларга аниқ жавоблар топишга урининг:

1. Зардуштнинг ватани ва зардуштийликнинг илк тарқалган ҳудуд қаерда?
2. Зардуштийлик қандай даврда вужудга келди?
3. Ҳозирги пайтда Зардуштийлик динига эътиқод қилувчилар қайси ҳудудларда мавжуд?
4. Зардуштийларнинг дафн маросимлари қандай бўлган?
5. Зардуштийлик таълимоти асослари нималардан ташкил топган?

Семинар машғулотида гуруҳ бўлиб ишлаб, талабалар билимини текширишга йўналтирилган топшириқлар:

1-*гуруҳ топшириғи.* Зардуштийлик таълимотининг асосини ёритиб беринг?

2-*гуруҳ топшириғи.* Зардуштнинг ватани ҳақида "Ғарб назарияси" ва "Шарқ назарияси"ни ёритиб беринг?

3-*гуруҳ топшириғи.* Зардуштийликнинг **асосий манбаси** "Авесто"нинг тўртта китобини ёритиб беринг?

Машғулот бошида ҳар бир талабага қуйидаги карточка тарқатилиб 5 дақиқа вақт белгиланади. Жадвални тўлдиринг.

Зардуштийликда талаб қилинадиган қоидалар	Зардуштийликдаги муқаддас унсурлар	Зардуштийликдаги асосий маросимлар

Семинар машғулотига тайёрланишда қуйидаги адабиётлардан фойдаланинг

1. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. – Т., «Ўзбекистон», 2008.
2. Сагдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. – Т., "Ўқитувчи", 1996.
3. Қаюмов А., Исҳоқов М. ва бошқалар. Қадимги ёзма ёдгорликлар. – Т., "Ёзувчи", 2000.
4. Диншунослик асослари. А.И. Абдусамедов таҳрири остида.Тошкент: «Ўзбекистон», 1995.
5. Жўраев У. , Саиджонов И. Дунё динлари тарихи. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1998.
6. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Ҳ. ва бошқалар. Диншунослик. Дарслик, - Т., "Меҳнат", 2004.
7. Жабборов И., Жабборов С. Жаҳон динлари тарихи. – Т., "Ўзбекистон", 2002.
8. Бозоров М.Ж., Мардонов Р.С.. Диншунослик асослари.(маърузалар матни) Самарқанд, 2001
9. Отамуродов С., Ҳусанов С., Раматов Ж., Маънавият асослари . Ўқув қўлланма. – Т., 2002.

5-МАВЗУ: БУДДИЗМ

Машғулот режаси

1. Буддавийлик манбалари.
2. Буддавийлик динининг вужудга келиши.
3. Буддавийлик динининг тарқалиши.

Мавзунинг қисқача мазмуни

Буддизм дунёдаги энг йирик динлар ичида қадимийларидан бири ҳисобланиб, мил.ав.VI-V асрларда Ҳиндистонда вужудга келган. Буддизм тарихи тадқиқотчилари мавжуд манбалар асосида бу оқим асосчиси реал тарихий шахс эканлигини таъкидлайдилар. Бу таълимот асосчиси Сидхарта Гаутама бўлиб, адабиётларда Шакямуни, Будда, Тадхагата, Джина, Бхагаван каби номлар билан ҳам зикр этилади. Бизгача Будданинг бир неча биографиялари етиб келган: "Махавосту" – милоднинг II асрида ёзилган, "Лалитавистара" – милоднинг II-III асрларида вужудга келган, "Буддхачарита" – буддист файласуфларидан бири Ашвагхоша томонидан милоднинг I-II асрларида яратилган. Ушбу библиографияларда Будданинг яшаган йиллари ҳақида турли хил қарашлар мавжуд. Расмий ҳисобга кўра, Бутама-Будда мил.ав. 623 йилда туғилиб, 544 йилда вафот этган. Бироқ кўпчилик тадқиқотчилар унинг таваллуди мил.ав. 564 йилда, вафоти эса 483 йилда деб ҳисоблайдилар. Сиддхарта Шакя қабиласининг подшоҳларидан бири Шуддходанинг ўғли эди. Ҳеч бир қийинчилик кўрмай ўсган бола бир куни иттифоқо бир кекса чол, бир бемор ҳамда оғир машаққат тортаётган роҳибни учратади, бир кишининг вафотига гувоҳ бўлади. Бундан қаттик таъсирланган шаҳзода инсониятни қийинчилик ва азобдан қутқариш йўлларини излаш учун саройни ташлаб кетади. У бешта роҳиб билан қишлоқма-қишлоқ кезиб юради. Бу йўл уни ўз олдига қўйган мақсад, яъни инсониятни азоб-уқубатдан қутқариш сари олиб бормайди ва у роҳиблар жамоасидан ажралади. Бирмунча вақт чангалзор ўрмонларда кезиб, бир дарахнинг тагида дам олиш учун ўтиради ва ўзича, то ҳақиқатни топмагунча шу ердан турмасликка қарор қилади. Бу ўтиришнинг 49 куни унинг қалбидан "Сен ҳақиқатни

топдинг" деган садо келади. Шу пайтда унинг кўз олдида бутун борлиқ намоён бўлади. У ҳамма жойда шошилиш, қаёққадир интилишни кўради: ҳеч бир жойда осудалик йўқ эди. Ҳаёт ниҳоясиз узоқликни кўзлаб ўтиб кетаётган эди. Инсон ақли етмас бир куч Тришна – яшаш, мавжуд бўлиш умиди барчанинг тинчини бузар, ҳалок қилар ва яна қайта яратар эди. Мана энди Будда кимга қарши курашиш кераклигини англади. Шу ондан у Будда кимга қарши курашиш кераклигини англади. Шу ондан у Будда – нурланган деб аталди. У тагида ўтирган дарахт эса – нурланган дарахт (ботха) деб атала бошлади. Буддизм қадимий ҳинд диний-фалсафий таълимотлари асосида вужудга келган, ўзига хос назариёт ва амалиётдан иборат бўлган диний тизимдир. Будда янги диний қонун-қоидлар, расм-русмлар ишлаб чиқмаган, балки ҳар бир инсон туғилиш ва ўлим машаққатларидан қутилиши учун амал қилиши лозим бўлган бир неча кўрсатмаларни ишлаб чиқди. Унинг таълимоти инсоннинг хаёлида, ишларида ва ўзини тутишида самимий олижаноблик ғоясини илгари суради. У варна (каста) тизимини ва ундаги руҳонийларнинг бошқалардан устунлигини инкор қилди. Будда "яратувчи олий куч"нинг борлигига шубҳа ва ишончсизлик билдирган. Унинг фикрича, энг муҳими инсоннинг шахсий камолотми ва эзгу турмуш тарзидир. Ушбу таълимотнинг тарқалишида буддист жамоаларининг (сангха) роли катта бўлган. Улар йилнинг об-ҳавоси яхши бўлган тўққиз ойида шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ юриб, аҳолини бу динга даъват қилиб юрганлар. Фақатгина муссон ёмғирлари тинмай қўйган уч ойдагина ўз ибодатхонларида муқим бўлиб медитация билан шуғулланганлар.

Мил.ав. 273-232 йилларда ҳукмронлик қилган император Ашока даврида буддизм кенг худудларга жадал тарқалди. У буддист монархларга (роҳиблар), уларнинг Ҳиндистон билан чегарадош давлатларга қилган миссеонерлик ҳаракатларига хайрхоҳлик билдиради. Буддизм жамоалари бегона дин, маданият ва урф-одатлар устун бўлган шароитларда асрлар мобайнида ўзларини сақлаб қолиш, фурсат келганда, уларга ўз таъсирини ўтказиш қобилятига эгадирлар. Буддизм милоднинг I асрида Хитой, IV асрда – Корея, VI асрда – Япония, VII асрда –

тибет, XIII – XVI асрларда – Монголия, XVII-XVIII асрларда – Бурятия ва Тува, XIX - XX асрларда эса Америка ва Европа қитъларига кириб борган.

Ўрта Осиёда ҳам бошқа динлар қатори буддизмнинг кенг тарқалганлини кузатишимиз мумкин. Тадқиқотчилар буддизм тарихини Марказий Осиёдаги тарихий-меъморий ёдгорликларнинг археологик тадқиқотлари асосида, мазкур дин кушонлар шоҳи Канишка ҳукмронлиги даврига таалуқли эканлигини аниқлашган. Мил.ав. I аср ва милоднинг IV асрлари оралиғида Кушон империясида буддизмнинг Махаяна йўналиши давлат дини деб эълон қилинди. Канишка, Вима ва улардан кейинги Кушон императорлари буддизмни кенг ёйдилар. Улар Балх, Марв, Термиз, Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарларда буддизм ибодатхонлари қуриб, буддизмнинг муқаддас китоблари сутра ва пастриларни ўрганиш, таржима қилиш ва шарҳлаш учун шароит яратиб бердилар. Ўрта Осиёда буддизмнинг мактаблари ҳам фаолият олиб борган. Қоратепадан топилган сопол буюмлардаги кхарошти ёзувлари бу ердаги Махасангхика таълимотини акс эттиради. Махасангхика мактаби Ўрта Осиёда буддизмнинг тарқалишида муҳим роль ўйнаган. Қоратепанинг бошқа қисмида брахми ёзувидаги битиклар эса Ўрта Осиёга кейинчалик Канишка даврида кириб келган Сарвастивада буддист мактаби таълимотининг ёйилганлигидан хабар беради.

Сурхондарё Тохаристонидан чиққан буддизмнинг йирик вакили – Танмонанти (ёки Дхармананди). У ёшлигидан тарикидунёчилик йўлини тутиб, узлатга чекинган. Ёш бўлсада, ақли тиниқ бўлиб, сутраларни ўрганган ва ёддан айтиб юрган, бунга ўзининг бутун борлиғини бағишланган. У Трипитакани тўла ўзлаштирган. Ўрта Осиёнинг Марв, Балх, Термиз, Суғдиёна вилояти, Қува, Косон, Самарқанд ва Бухоро каби шаҳарлари буддизм таълимоти ва маросимларини ишлаб чиқишда, бошқа ўлкалар, мамлакатларда тарғиб ва ташвиқ этишда аҳамиятга эга бўлган марказлардан бўлган.

Буддизм таълимоти бир қатор китоблар шаклига келтирилган тўпламларда баён қилинган. Улардан энг асосийси Трипитака – "уч сават" маъносини англатади. У уч қисмдан

иборат бўлганлиги учун шундай ном билан аталган. Бу манбанинг қўлёзма нусхаси Шри Ланкада сақланиб қолган. У милоднинг бошларида китоб ҳолига келтирилган. Улар Будда тарғиботининг ҳақиқий баёни ҳисобланган сутра матнлари – Сутра питака, роҳиблик ахлоқи, хонақоҳлар низомларига бағишланган виная матнлари – Виная питака, буддизмнинг фалсафий ва психологик муаммоларини баён қилиб беришга бағишланган абхидхарма матнлари – Абхидхарма-питакадан иборат. Будда ҳаётига тегишли ривоятларнинг асосийси Трипитакада жамланган. Буддизм бир неча оқимлардан иборат. Хинаяна буддизмнинг асосий йўналишларидан биридир. Хинаяна "кичик арава" маъносини англатиб, у диний йўналиш сифатида мил.ав. I асрда шаклланган. Унга кўра, дҳармалар табиатини ўрганишга ва нирванага маънавий йўл билан эришилади. Бу йўл жуда оғир, шу сабабли фақат монархларгина нирвана ҳолатига етиши мумкин.

Махаяна, у руҳий камолот аҳдига риоя этувчи, худуога илтижо қилувчи роҳибларга иньомлар бериб ёрдам кўрсатувчи ҳар қандай оддий диндор нажот топиши мумкин, деган таълимотга асосланган. Унга кўра, Будда танаси жонзотларни азобдан қутқариши учун турли махлуқотлар шаклига кириши ва ҳаёт занжирининг барча вакллари уни ўрганиши, англаши мумкин. Бу худоларга ишониш йўллари барча учун мумкин бўлганлиги сабабли у "катта арава" номини олган.

Дҳиана таълимотининг Хитойдаги илк намояндалари Дао-Ан ҳамда Хуэй-Юанлар эдилар. Улар дҳиана сутраларини хитой тилига таржима қилиб, медитацияни амалиётга жорий қилганлар. Чан йўналиши Хитой буддизмининг бошқа оқимларига қараганда кўпроқ Хитойга хосроқ. Унинг асосий ғояси киши туманли, хира нирванага интилиши зарур эмас, фақатгина келажак ҳақида қайғуриш қачондир Буддага айланиши ва ман шунинг учунгина ўзини ҳамма нарсадан маҳрум қилиши бефойда.

Ламаизм буддизмнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб, у тибет тилида "лама" – "энг улуғ" деган маънони англатиб, диний йўналиш раҳбари лама деб аталади. Ламаизм Тибетда VII-XIV асрларда тибетликларнинг қадимий дини Бон-

По (шаманизмнинг бир тури) унсурларини қабул қилган Махаяна ва Тантирзм асосида вужудга келган бўлиб, ҳозирда тибетликларнинг асосий дини ҳисобланади. Буддизмнинг барча ақидаларини қабул қилган ламаизмда инсон фақат ламалар ёрдамида нажот топади. Ламаларсиз нирванага етишиш у ёқда турсин, киши бу дунёга қайтиб келишда ҳам ҳеч нарсага эриша олмайди, деб таъкидланади.

Ламаизмнинг анъанавий қонунлашган асоси Канжур (108 жилдли) ва Танжур (225 жилдли) номли муқаддас китобларда баён қилинган. Бу динда дабдабали ибодатлар, театрлаштирилган муқаддас томошалар – мистериялар, кўпгина расм-русумлар, худоларнинг ғазабини, ёвуз руҳларнинг зиёнларини қайтариш учун қилинадиган хатти-ҳаракатлар, дуо ва афсунлар бор.

Ламаизм таълимотига кўра, одам ўлдириш, ўғирлик, ёлғончилик, туҳмат, ғийбат, бекорчи сўзлаш, очкўзлик, кек сақлаш оғир гуноҳлар қаторига киради. Гуноҳ қилишдан ўзини тийиш инсонга энг яхши қайта туғилишга имкон беради.

Семинар машғулотига тайёрланишда қуйидаги савол ва топшириқларга аниқ жавоблар топишга урининг:

1. Буддавийлик дини қачон ва қаерда вужудга келган?
2. Буддавийлик дини қайси ҳудудларга тарқалган?
3. Будданинг ҳаёти ҳақида нималарни биласиз?
4. Буддавийликнинг ғоясини тушунтириб беринг?

Семинар машғулотида гуруҳ бўлиб ишлаб, талабалар билимини текширишга йўналтирилган топшириқлар:

1-*гуруҳ топшириғи.* Буддавийлик таълимотидаги саккизта ҳақиқатни айтиб беринг (медитация)?
2-*гуруҳ топшириғи.* Буддавийликнинг оқимлари ҳақида айтиб беринг?
3-*гуруҳ топшириғи.* Буддавийликнинг манбалари ҳақида айтиб беринг?

Машғулот бошида ҳар бир талабага қуйидаги карточка тарқатилиб 5 дақиқа вақт белгиланади. Тоифали жадвални тўлдиринг

Буддавийликнинг асосий оқимлари			
махаяна	хинаяна	дхиана	ламаизм

Семинар машғулотига тайёрланишда қуйидаги адабиётлардан фойдаланинг

1. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. – Т., «Ўзбекистон», 2008.

2. Низомиддинов Н.Ғ. Жанубий, Жануби-Шарқий ва Шарқий Осиё халқлари қадимги тарихи, диний эътиқоди, маданияти. Хрестоматия. – Т., 2010.

3. Қаюмов А., Исҳоқов М. ва бошқалар. Қадимги ёзма ёдгорликлар. – Т., "Ёзувчи", 2000.

4. Диншунослик асослари. А.И. Абдусамедов таҳрири остида.Тошкент: «Ўзбекистон», 1995.

5. Жўраев У. , Саиджонов И. Дунё динлари тарихи. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1998.

6. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Ҳ. ва бошқалар. Диншунослик. Дарслик, - Т., "Меҳнат", 2004.

7. Жабборов И., Жабборов С. Жаҳон динлари тарихи. – Т., "Ўзбекистон", 2002.

8. Бозоров М.Ж., Мардонов Р.С. Диншунослик асослари.(маърузалар матни) Самарқанд, 2001

6-МАВЗУ: ХРИСТИАНЛИК

Машғулот режаси

1. Христианликнинг вужудга келиши.
2. Христианлик таълимоти.
3. Христианликдаги оқимлар.
4. "Библия" христианликнинг муқаддас китоби.

Мавзунинг қисқача мазмуни

Христианлик буддизм ва ислом динлари қаторида жаҳонда энг кенг тарқалган динлардан бири ҳисобланади. Бу динга эътиқод қилувчиларнинг сони жиҳатидан жаҳон динлари орасида энг йириги ҳисобланиб, унга эътиқод қилувчиларнинг сони 1 млрд. 600 млн. бўлиб, бу сон дунё аҳолисининг деярли учдан бирига тўғри келади. Христианлик асосан Европа, Шимолий ва Жанубий Америка, Австралия қитъаларида ҳамда қисман Африка қитъасининг жанубий қисмида ва Осиё қитъасининг шарқий қисмида тарқалган.

Христиан дини ўз илдизлари билан қадимий Шарққа, унинг поэтик ва афсона ва ақидавий ибодат ва урф-одатларига бориб тақалади. Қадимий динларга нисбатан анча ривожланган кескин ижтимоий, иқтисодий, сиёсий зиддиятларга тўла жамиятда пайдо бўлган янги диний таълимот ўз даврининг долзарб ва мураккаб масалаларига асосли жавоб бериши керак эди. Янги дин турли тиллардаги ҳар хил элатларга ва барча табақаларга хаёлий бўлсада, тенг мададкор бўлиши шарт эди. Янги диний таълимотнинг шаклланишида энг муҳим роль ўйнаган зардуштийликдан куртак олиб чиққан мираизм ўша даврда бутун Рим империясида энг машҳур шарқий динлардан бири эди. Шубҳасиз, унинг шаклланишида ғоявий манбалардан Платон идеалистик фалсафасининг диний таълимоти ҳам муҳим роль ўйнаган. Унинг таълимоти яҳудийлар мазҳаби, юнон-рим фалсафаси ва Шарқ динлари таъсирида шаклланган. Буни антик давр манбалари ва айниқса машҳур Қумрон ёзувлари тасдиқлайди. (Қаранг: И.Жабборов, С.Жабборов. Жаҳон динлари тарихи. Т. 2002, 124-125 бетлар)

Демак, христианлик бутун Яқин Шарқ ва Ўрта денгиз

дунёсини бириктирган Рим империясининг шарқий қисмида жойлашган Фаластин ерларида эрамизнинг бошида вужудга келди. Исо Масиҳ, Библиянинг хабар беришича, христианлик таълимотининг асосчиси бўлиб, у Рим империяси ташкил топганининг 747 йили Фаластиннинг Назарет қишлоғида бокира қиз Мариямдан Худонинг амри билан дунёга келди. Янги эранинг бошланиши ҳам Исо Масиҳнинг дунёга келиши билан боғлиқ.

Эрамизнинг бошларида яҳудийлар ҳокимиятнинг уч табақаси билан боғлиқ оғир тушкунликни бошидан кечирар эдилар. Бир томондан Рим императори ва унинг жойлардаги ноиблари, иккинчи томондан Фаластин подшоҳи Ирод Антипа, учинчи томондан эса руҳонийлар халқни турли солиқлар ва мажбуриятлар билан кўмиб ташлаган эдилар. Шунда Исо Масиҳ яҳудийликни ислоҳ қилиш ва уни турли хурофотлардан тозалаш ғояси билан чиқиб, христиан динига асос солди. Яҳудийлар уни ва унинг издошларини Фаластиндан қувғин қилганлар. Исо 33 ёшида фитначиликда айбланиб қатл этишга ҳукм қилинган.

Христиан дининг асосчиси Исус Христоснинг ҳаётини ёритувчи кўплаб манбаларда келтирилган маълумотларга кўра, унинг тарихийлиги ҳақида ихтилофлар мавжуд бўлиб, Библиянинг чор китобида ҳар хил афсонавий мўъжизаларга қодир илоҳий халоскор шахс сифатида тасвирланган. Ислом динига Исо пайғамбар номи билан кирган Христос, ривояларга кўра, яҳудийлар подшоси Довуд сулоласига тегишли иффатли қиз Мариядан туғилаган. Шунинг учун уни отасиз, худо нури билан дунёга келган холоскор подшо сифатида "Довуднинг меросхўр ўғли" деб ҳам атаганлар. Дунёвий шахс сифатида эса Мариямнинг унаштирилган куёви иосиф (Юсуф пайғамбар) Христос, яъни Исонинг отаси деб танилган. (Қаранг: И.Жабборов, С.Жабборов. Жаҳон динлари тарихи. Т. 2002, 126-бет).

Исо номига қўшилувчи Масиҳ сўзи қадимий яҳудий тили-ивритдаги "мошиах" сўзидан олинган бўлиб, "силанган" ёки "сийланган" маъноларини билдиради. Грекчада бу сўз "христос" шаклига эга. Бу диннинг "христианлик" ёки "масиҳийлик" деб аталиши ҳам шу сўзлар билан боғлиқ. Бундан ташқари

христианлик Исо Масиҳнинг туғилган қишлоғи – "Назарет" билан боғлаб, назронийя деб ҳам аталган. Кейинчалик бу ном насронийя, насронийлик шаклини олган.

Исо Масиҳ ўз таълимотини 12 ўқувчиси – апостоллар (ҳаворийлар)га ўргатди. Улар эса Исонинг вафотидан кейин устозларининг таълимотларини ҳар бирлари алоҳида-алоҳида тарзда китоб шаклига келтирдилар. Бу китоблар Библиянинг "Янги Аҳд" қисмини ташкил этади.

Христианлик таълимоти. Христианликнинг асосий ғояси – Исонинг одамзоднинг холоскори "мессия" эканлиги яҳудийликда мавжуд бўлиб, охиратга яқин келиши кутилаётган холоскор ҳақидаги таълимотдан келиб чиққан.

Кейинчалик бу таълимот Худонинг мужассамланиши ёки Исонинг икки хил – одам ва худо моҳияти ҳамда "гуноҳни ювиш", яъни Исонинг ўзини ихтиёрий тарзда қурбон қилиши ҳақидаги таълимот билан мустаҳкамланади. Христианлик Ота-Худо, ўғил-Худо ва Муқаддас Руҳ – уч юзлик Худо тўғрисидаги таълимотни, жаннат ва дўзах, охират, Исонинг қайтиши ҳақидаги ва бошқа ақидаларни ўз ичига олади.

Христианликдаги оқимлар. Христиан черковининг Католик ва Православ черковларига ажралиб кетиши Рим папаси ва Византия Патриархининг христиан оламида етакчилик учун олиб борган рақобати оқибатида вужудга келди. Ажралиш жараёни Рим Рим империясининг Ғарбий ва Шарқий тафовутлари ўсиб чуқурлашиб бораётган асрлардаёқ бошланган эди. 867 йиллар орасида Папа Николай ва Византия патриархи Фетий орасида узил-кесил ажралиш рўй беради ва бу ажралиш 1054 йили расман тан олинди.

XVI аср бошларида католицизмдан бир неча Европа черковлари ажралиб чиқиши натижасида христианликда протестантлик ҳаракатлари вужудга келди. Бунинг доирасида лютерантлик, бартизм, англиканлик ва калвинизм черковлари шаклланди. Булар бир черковнинг асосий маросимлари жиҳатидан ўзларига хос бўлан томонларга эга бўлиш билан бир қаторда, булар ҳам ўз навбатида бир неча йўналишлар, мазҳаблар ва оқимларга бўлинади.

Православ (ортодокс) оқими. Православ оқими

христианликнинг уч асосий йўналишидан бир ўлароқ, тарихан унинг шарқий шахобчаси сифатида шаклланди. Бу оқим, асосан, Шарқий Европа, Яқин Шарқ ва Болқон мамлакатларида тарқалган. Православ атамаси юнонча ортодоксия сўзидан олинган бўлиб, илк давр христиан ёзувчилари асарларида учрайди. Православиянинг китобий асослари Византияда шаклланди, чунки бу йўналиш у ердаги ҳукмрон дин эди.

Христианликнинг шарқий тармоғи бўлмиш православиянинг ривожланиши жараёнида 16 мустақил черков: Константинопол, Александрия, Антиохия, Қуддус, Грузин, Серб, Румин, Болгар, Кипр, Эллада, Албин, Поляк, Чехия, Словакия, Рус ва Америка черковлари вужудга келди. Бц черковлардан энг каттаси Рус православ черкови бўлиб, 19 минг черков ва 127 епархия бирлашган. Булардан 150 дан ортиқ черков ва 5 епархия ет элда фаолият олиб боради. Православ черковида руҳонийлар уч табақага бўлинади: 1) диакон, 2) руҳоний (священник), 3) епископ.

Католик оқими. Христианликникнинг йирик йўналишларидан бири католик оқимидир. У Европа, Осиё. Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларида тарқалган. Католицизим "умумий, дунёвий" деган маъноларни ифодалайди. Унинг манбаи унча катта бўлмаган Рим Христиан жамоаси бўлиб, ривоятларга кўра унинг биринчи епископи апостол Петр бўлган. Католик диний таълимотининг асосини Муқаддас китоб ва Муқаддас ёзувлар ташки қилади. Бироқ православ черковидан фарқли ўлароқ католик черкови Муқаддас ёзувлар деб нафақат аввалги етти Бутун олам Христиан Соборларининг қарорларини балки ҳозиргача бўлиб ўтган барча соборлар қарорларини, бундан ташқари, Папанинг мактублари ва қарорларини ҳам ҳисоблайди.

Католицизмда Библияни шарҳлаш ҳуқуқи фақатгина руҳонийларга берилади, чунки улар уйланмаслик – целибат ҳақидаги диний талабга амал қиладилар. Ибодатлар лотин тилида олиб борилади. Католик черкови қатъий марказлашуви билн аралиб туради. Рим папаси бу черковнинг бошлиғи бўлиб, у диний ахлоқ масалаларига оид қонун-қоидаларни белгилайди. Унинг ҳокимияти дунёвий соборлар ҳокимиятидан юқори

туради.

Католик черковининг марказлашуви, жумладан, диний таълимотни ноанъанавий таҳлил қилиш ҳуқуқида акс этган догматик тараққиёт тамойилини келтириб чиқаради. Масалан, проваслав черкови томонидан тан олинган диний рамзда таъкидланишича, Муқаддас Руҳ Ота-Худодан келиб чиқади. Католик ақидасига кўра эса Муқаддас Руҳ Ота-Худодан ва ўғил Худодан келиб чиқади. Черков католик таълимотига кўра, хайрли зарурий ишлар хазинасига – Исо томонидан яратилган "хайрли ишлар захирасига" эга. Черков Исо, Биби Марям, Муқаддас Руҳ номидан бу хазинани тасарруф қилиш, ундан муҳтожларга улашиш, яъни гуноҳларни авф этиш, надомат чекувчиларга кечирим туҳфа қилиш ҳуқуқига эга. Пул эвазига ёки черков олдидаги хизматлари учун гуноҳларни кечириш – индульгенция ҳақидаги таълимот мана шундан келиб чиққан.

Протестантизм оқими. Протестантизм тарихи Мартин Лютердан (1483-1546) бошланади. У XVI асрда европада католикларга қарши қаратилган Реформация ҳаракати билан боғлиқ жуда кўп мустақил черковлар ва секталарни ўз ичига олади.

Протестантизм атамаси "протест" (норозилик) сўзидан келиб чиққан. Бундай ном олишига сабаб 1526 йилда Шпейер рейхстаги немис лютерчи князлари талаби билан ҳар бир немис князи ўзи ва фуқароси учун хоҳлаган динни танлаш ҳуқуқига эга эканлиги тўғрисида қарор қабул қилди. Ҳозрги вақтда протестантизм дунёнинг барча қитъаларида енг тарқалган. Унинг маркази АҚШда, бу баптист, адвенист, Иегова шоҳидлари ва бошқаларнинг қароҳлари жойлашган.

Протестантизм Худонинг борлиги, унинг уч қиёфада намоён бўлиши, жоннинг ўлмаслиги, жаннат ва дўзах ҳақидаги, ваҳй ва бошқалар тўғрисидагиумумхристиан тасаввурларини эътироф этади. Бироқ Лютер католик черкови билан алоқани узиб, протестант черковининг асосий қоидаларини ишлаб чиқди ва уни ҳимоя қилди. Бу низомга кўра инсон Худо билан бевоситамулоқотқилиши мумкин. Папанинг диний ва дунёвий ҳокимият, католик диндорларининг имонни ва виждонни инсон билан Худо ўртасидаги воситачи сифатида назорат қилиш

ҳақидаги мулоҳозаларига Лютернинг қарши чиқиши жамоатчилик томонидан фавқулодда диққат билан тингланди. Протестантлик диний маросимларнинг кўпчилигини бекор қилди, фақатгина лютеррантликда нон ва вино билан чўқинтириш сақланиб қолди. Ўлганларга бағишланган дуо ўқиш, азиз-авлиёларга сиғиниш, муқаддас мурдаларга, санамларга топиниш бекор қилинди. Ибодат уйлари ортиқча ҳашамлардан, меҳроблардан, санамлар, ҳайкаллардан тозаланди, руҳонийларнинг уйланмаслик шартлари бекор қилинди. Ибодатлар фақатгина лотин тилида олиб борилиши, Библиянинг фақатгина руҳонийлар томонидан шарҳланиши зарурлиги шартлари инкор этилди. Библия миллий тилларга таржима қилинди, уни шарҳлаш ҳар бир художўйнинг энг муҳим бурчи бўлиб қолди. Лютер томонидан тузилган Реформация 95 та тезис шаклида ёзиб берилган. Улар Виттенберг насроний черковининг шимолий эшикларига ёзиб қўйилган. Тезислар 1517 йил 31 октябрда жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилинган ва кейинчалик бу кун протестантлар байрами бўлиб қолди.

Кальвинизм. Диний ислоҳотнинг бошқа бир йирик арбоби Жан Калвин (1509-1546) эди. Унинг 1536 йилда нашр этилган "Христиан динидаги кўрсатмалар" деган бош асари протестантизм таълимот сифатида шаклланганидан кейин янги бир диний йўналиш – калвинизмнинг асоси бўлиб қолди.

Дастлабки ислоҳот арбобларидан фарқли ўлароқ, Калвин учун диққат маркази Инжил эмас, Таврот бўлиб қолади. Калвин абсолют тақдир ҳақидаги таълимотни ишлаб чиқди. Бу таълимотга кўра, барча одамлар худонинг биз учун номаълум бўлган иродасига асосан мағфират қилинганлар ва маҳкум этилганлар тоифасига бўлинади.

Протестант черковининг калвинистик йўналишидаги давомчилари Шотландия, голландия, Шимолий Германия, Франция, Англияда катта обрў ва таъсирга эга эдилар.

Пресвитерианлик. Пресвитерианлик калвинистик черковдан келиб чиққан бўлиб, (юнонча энг эски) мўътадил пуританлардир. 1529 йили Шотландия парламенти бу таълимотни асосий мафкура деб ҳисоблаш ҳақиджа қарор қабул қилган. Бу жамоа бошида жамоа аъзолари томонидан сайланган

пресвитер туради. Диний маросим жуда содда, ибодат пайтида ваъз айтилади, биргалашиб дуолар ўқилади ва диний қўшиқлар куйланади. Фақат дам олиш кунлари байрам куни деб ҳисобланади.

Пресвитерианлар диний таълимотининг асосий ақидалари "Вестминстер" китобида баён қилинган. Бу ақидалар ортодоксал калвинизм руҳида бўлиб, оламдаги барча одамларнинг гуноҳкорлиги ва қисматнинг мутлақлигига ишонишдан иборат. Ҳозирги пайтда Шотландия (давлат черкови), Англия, Ирландия, АҚШ, Канада, Австралия ва бошқа мамлакатларда пресвитерчилар мавжуд.

Англикан черкови. Англикан черкови – Англиянинг давлат черковидир. 1534 йилда маҳаллий католик черкови Генрих VIII ни черков бошлиғи деб эълон қилди, яъни черков қиро ҳокимиятига бўйсундирилди. XVI аср ўрталарига келиб ибодатни инглиз тилида олиб бориш жорий этилди, постлар бекор қилинди, бут ва санамлар олиб ташланди, руҳонийлар уйланмаслиги мажбурий бўлмай қолди. Англикан диний таълимоти "Умумий ибодатлар китоби"да акс эттирилгандир. У черковнинг нажоткорлик кучи ҳақидаги католик ақидалари ҳамда шахсий эътиқод орқали нажотга эришиш ҳақидаги протестант таълимотларини ўзида жамлаган. Англикан черковида католицизмдаги маросимлар шундайлигича қабул қилиниб, ундаги иерархия тузумига ўхшаш тартиб жорий этилган. Англикан черковининг биринчи диний раҳбари Кентербери архиепископи ҳисобланади. Англикан черкови таркибига 3 черков киради. Улар католицизмга яқин турадиган олий черков, пуританизмга ва пиетизмга яқин қуйи черков, христиан оқимларининг барчасини бирлаштиришга интилувчи ҳукмрон оқим – кенг черков. Англикан черковидан расман ажратилган черковлар Шотландия, Уэлс, Ирландия, АҚШ, Канада, Австралия каби жами 16 мамлакатда тарқалган.

Баптизм. Протестант таълимотининг энг кўп сонли давомчилари баптистлардир. Баптизм (юнонча "сувга чўктириш") XVII аср бошларида вужудга келган бўлиб, ҳозирги кунда дунёнинг 130 мамлакатида ўз тарафдорларига эга. Бу таълимот тарафдорлари фақат ўспиринларнигина

чўқинтиришга олиб борадилар. "Ҳеч ким, жумладан, ота-оналар ҳам киши учун бирор динни танлай олмайдилар. Киши динни онгли равишда ўзи ихтиёр қилмоғи зарур" деган қоида баптистлар ва забур христианларининг асосий қоидасидир. Уларда ибодат ўта соддалаштирилган бўлиб, диний қўшиқ, ибодат ва мавъизадан иборат. Забур христианлари тўрт русумни сақлаб қолишган: чўқинтириш, тановул, никоҳ, қўл билан силаб қўйиш.

Адвинистлар ҳаракати. Адвинистлар ҳаракати (лот. – "келиш") Америкада XIX асрнинг 30-йиллари оғир иқтисодий буҳрон, умумий ишсизлик вужудга келди. Асосчиси Вилям Миллер (1782-1849). Адвенистлар бир неча мустақил черковларга бўлинган бўлиб, уларнинг энг каттаси "Еттинчи кун адвинистлари" саналади. Уларнинг асосий ғояси Исонинг иккинчи бор ерга тушиши ва инсониятни шайтон ҳамда унинг тарафдорларидан мутлоқ халос этишидир. Улар одамларни Исони кутиб олиш учун хушахлоқ бўлишга чақирадилар.

Библия. Библия яҳудийлик ва христианлик динлари таълимотига кўра, Худо томонидан нозил қилинган, асосий диний ақида ва ахлоқ қонунларини ўзида жамлаган муқаддас китоблар мажмуасидир.

У икки қисмдан иборат: "Қадимий Аҳд" ва "Янги Аҳд". Яҳудий ва христиан Библиялари бир-бирига мос келмайди. Яҳудийларнинг муқаддас китоби Қадимги Исроил ва қадимий яҳудийларнинг диний таълимот ва урф-одатлари асосида мил.ав. XIII асрда ёзилган бўлса, христианларнинг китоби милоднинг бошларида вужудга келди. Яҳудийлар христианларнинг китобини муқаддас китоб сифатида тан олмайдилдар.

Библия сўзи грек тилдида biblia – "китоб", "ўрам" маъноларини англатади. Ҳозирги Библия католик нашрларида 72, протестант нашрларида 66 китобдан иборат. Яҳудийларнинг яна бир диний манбаи Талмуднинг хабар беришича, қадимий Аҳдда 24та китоб бўлиши керак. Протестантлар ва яҳудийлар Тридент Соборидан кейин (1545-1563) католиклар ҳам Қадимий Аҳд таркибига 45та китоб киритадилар. Бу сон билан юқорида келтирилган сон ўртасидаги тафовутни кейинчалик баъзи китобларнинг бир неча мустақил китобларга бўлиниб кетгани

билан изоҳлаш мумкин. Масалан, "Мусонинг беш китоби" аввал бир бутун бўлиб, кейинчалик бешта мустақил китобга, "Кичик пайғамбарлар китоби китоби" 12 китобга ажратиб юборилган.

Христианлар Қадимий Аҳдни "Ривоятлар китоблари", "Таълимотлар китоблари", "Пайғамбарлар китоблари"га бўладилар. Улар Янги Аҳднинг 27 китобини шунда тасниф қиладилар: "Ривоятлар китоблари"га "Инжил" ва "Ҳаворийлар фаолияти" киради. "Таълимотлар"га "Ҳаворийлар мактублари" киради, "Пайғамбарлар китоблари"га "Ваҳй" киради.

Евангелия. Инжил сўзи юнонча "эвангелион" сўзидан келиб чиққан бўлиб, "хушхабар" маъносини англатади. Унда одамзотни қутқарувчи ягона Нажоткор ҳисобланмиш Исо Масиҳнинг ер юзига юборилганлиги ҳақида ҳикоя қилинади.

Инжил милоднинг биринчи асрида ёзилган 27 бўлимдан иборат. Инжил Исо Масиҳни кўриб, уни яқиндан билган, унинг таълимотини синчиклаб ўрганган муаллифлар томонидан ёзилган. Христианликда бу муаллифлар худонинг руҳидан илҳомланиб, айнан худонинг буюрганини Инжилда ёзиб қолдирганлар, деб ҳисобланади. Инжилнинг матни ёзиб тугатилганидан кейин ундан кўп нусха кўчирилиб, дунёнинг ҳар тарафига тарқатилган.

Семинар машғулотига тайёрланишда қуйидаги савол ва топшириқларга аниқ жавоблар топишга урининг:

1. Христианлик дини қачон вужудга келган?
2. Проваслав черковлари неча турга бўлинади?
3. Ўрта Осиё тарихида Христиан дини қачон тарқалган?
4. Қадимий Аҳд неча китобдан иборат?
5. Таврот китоби неча китобдан иборат?
6. Инжил неча қисмга бўлинади?

Семинар машғулотида гуруҳ бўлиб ишлаб, талабалар билимини текширишга йўналтирилган топшириқлар:

1-гуруҳ топшириғи. Яҳудийлик дини ва христианлик динлари орасидаги умумийликни гапириб беринг?

2-гуруҳ топшириғи. Христианлик таълимоти ва унинг асосий оқимлари ҳақида гапириб беринг?
3-гуруҳ топшириғи. Христианликда гуманизм таълимотининг пайдо бўлиши ҳақида гапириб беринг?

Машғулот бошида тавсия этиладиган блиц-сўров

Ҳозирги пайтда христианликнинг асосий марказлари қаерда?
Христианликнинг қандай манбаларини биласиз?
Библиянинг таркибига қандай китоблар кирган
Православиянинг асосий таълимоти қандай?
Католицизмнинг тарқалиши қандай юз берди?
Католицизмнинг тарқалиши қандай юз берди?
Протестантлик оқими қандай холатда вужудга келди?

Машғулот бошида ҳар бир талабага қуйидаги карточка тарқатилиб 5 дақиқа вақт белгиланади. Жадвални тўлдиринг

Христианлик таълимотининг хусусиятлари	Христианлик динидаги асосий оқимлар	Христианлик динининг асосий манбалари

Семинар машғулотига тайёрланишда қуйидаги адабиётлардан фойдаланинг

1. Инжил. Стоголм, Библияни таржима қилиш институти, 1992.
2. К истории христианства в Средней Азии (XIX-XX вв.). Т., "Ўзбекистон", 1998..
3. Диншунослик асослари. А.И. Абдусамедов таҳрири остида.Тошкент: «Ўзбекистон», 1995.
4. Жўраев У. , Саиджонов И. Дунё динлари тарихи. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1998.
5. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Ҳ. ва бошқалар. Диншунослик. Дарслик, - Т., "Меҳнат", 2004.
6. Жабборов И., Жабборов С. Жаҳон динлари тарихи. – Т., "Ўзбекистон", 2002.

7. Бозоров М.Ж., Мардонов Р.С. Диншунослик асослари.(маърузалар матни) Самарқанд, 2001

7-МАВЗУ: ИСЛОМ ДИНИ

Машғулот режаси

1. Ислом динининг пайдо бўлиши
2. Мадина даври
3. Ислом таълимоти

Мавзунинг қисқача мазмуни

Жоҳилия сўзининг луғавий маъноси арабча «жаҳула» сўзидан олинган бўлиб, (билимсизлик), жоҳиллик, нодонлик яъни «ягона Аллоҳни танимаслик» маъносини, англатади. Жоҳилия даврида маънавий ва ижтимоий ҳаётда ана шундай жоҳиллик, нодонлик хусусиятига эга кишилар исломдан олдинги даврда яшаганлар. Жоҳилия даврининг хусусиятларидан бири шунда эдики, бу даврда араблар орасида кўп худолик ҳукм сурар, ҳар бир қабиланинг сиғинадиган ўз санамлари мавжуд бўлиб, ўзига хос эътиқод қилиш тартиб-қоидалари шаклланган эди. Бу даврдаги арабларнинг маънавияти тубанлашиб, халқлар орасида майпарастлик, ахлоқий бузуқликлар ўрин ола бошлади. Энг ноҳуш, ва даҳшатли одатларидан бири қизларининг тириклайин кўмиш ҳам ана шу жоҳилия даврида татбиқ қилинган.

Араб ерлари Осиёнинг жануби-ғарбидаги ярим оролда жойлашган бўлиб, шимол томондан – Шом (Сурия) саҳролари, шарқдан Форс қўрфази, Умон денгизи, жануб томонидан Ҳинд океани ва ғарбдан Қизил денгиз билан чегараланган. Араблар асосан сомий тилларининг бирида сўзлашгани учун бу ҳудуд Арабистон ярим ороли деб аталган. Исломнинг пайдо бўлиши тарқоқ араб қабилалари учун оламшумул воқеага айланди. Тарихда биринчи араб давлати – Араб халифалиги вужудга келди. Ислом дини вужудга келган ва ривожланган Макка ва Ясриб шаҳарлари Яқин Шарқ цивлизацияси қадимий марказларидан нисбатан узоқроқда жойлашган. Арабистон ярим оролининг Макка, Мадина, Тоиф, Хайбар сингари бир қанча энг

муҳим шаҳарларини ўз ичига олган қисми қадимдан Ҳижоз деб аталган. Бу ярим оролнинг катта қисмида ислом вужудга келгунга қадар "кўпхудолик" эътиқоди ҳукм сурарди. Қадимги арабларнинг диний тасаввурлари жумласига тотемизм, фетишизм, анимизм элементлари ва ўтмиш аждодлар руҳига сиғинишни киритиш мумкин.

Арабистон ярим оролида биринчи араб давлати вужудга келиши ва унинг шаклланишида Муҳаммад а.с. ҳаёти, унинг янги дин тарғиботчиси ва давлат арбоби сифатидаги фаолияти асосий ўринни эгаллайди. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Абд ал-Муталлиб Макка ва унинг атрофи тарихида "Фил воқеаси" номи билан машҳур бўлган жангдан 50 кун кейин таввалуд топди. Мисирлик Маҳмуд подшонинг аниқлашича, Пайғамбарнинг таваллуд топишлари мидодий сананинг 571 йил 21 апрел кунига тўғри келади. Отаси Абдуллоҳ Қурайшнинг Бану хошим, онаси Омина бинт Ваҳб – Бану Зуҳра уруғидан эдилар. Ота-онасидан етим қолган Муҳаммад а.с. саккиз ёшигача бобоси Абдулмутталиб қўлида тарбияланди. Сўнгра уни амакиси абу Толиб ўз ҳимоясига олди. Пайғамбар ёшлик чоғларида икки марта Шомга, бир марта Яманга карвон билан сафарга чиқди. Муҳаммад 25 ёшга тўлганида Бану Асад бўлган бой аёл Хадича бинт Хувайлидга уйланди.

Муҳаммад а.с. 40 ёшига етганида илк ваҳй нозил бўла бошлади. Унинг қулоқларига "Сен Аллоҳнинг элчисисан" деган товушлар эшитилар эди. Ислом тарихида илк ваҳй "Алақ" сурасининг бошидаги беш оятдир. Нозил бўлаётган ваҳйларда Пайғамбарга ўз қавмини қиёмат ҳақида огоҳлантириш, ягона, барчани яратган Парвардигордан қўрқишга чақириш учун кўрсатмалар бўлди. Шундан сўнг Расуллоҳ яширин даъватга ўтди. Биринчи бўлиб Ҳадича бинт Хувайлид ва амакиваччаси Али ибн Аби Толиб исломни қабул қилишди. Вақт ўтиши билан мусулмонлар сони 30 кишига етди.

Очиқ даъватдан сўнг Макка мушриклари Абу Бакр, Усмон ибн Аффон каби исломни қабул қилган улуғ ва бадавлат зотларга ҳеч нарса дея олмасалар-да, аммо заиф, камбағал, ҳимоясиз мусулмонларни қаттиқ сиқувга олдилар. Пайғамбар қийинчиликда қолган мусулмонларни Ҳабашистонга ҳижрат

қилишга буюрди. Уларни Ҳабашистонда христианлар жамоаси жуда яхши кутиб олдилар. Уларнинг бундай осойишта ҳаёт кечираётганликларини эшитган бошқа мусулмонлар ҳам бир йилдан сўнг иккинчи гуруҳ ҳолида у ерга ҳижрат қилдилар.

Даъватнинг ўнинчи йили ҳаж мавсумида Пайғамбар Маккани шимолида "Ақаба" деб аталадиган бир тепаликда Ясриб (Мадина) шаҳридан келган олти кишини учратиб уларни исломга даъват этдилар. Ушбу учрашув ислом тарихида "Биринчи Ақаба байъати" деб ном олди. Улар Пайғамбарга дин шартларини бажаришга "байъат" (қасамёд) қилдилар. Кейинги икки ҳаж мавсумида ҳам Ақаба байъати бўлиб ўтди. Иккинчи учрашувда мадиналиклардан 12 киши, учинчисида эса 75 киши иштирок этдилар. Бу воқеалардан сўнг Расулуллоҳ Мадинага ҳижрат қилишга қарор қилди.

Мадина даври. Мадиналик мусулмонлар "ансор" (ёрдамчилар) деб номланганлар. Муҳаммад а.с. нинг Мадинага кўчиб ўтиши рабиъ ал-аввалнинг саккизинчи куни, милодий 622 йил 20 сентябрда юз берди. Исломнинг Мадина даври унинг тарихида жуда катта аҳамиятга эга. Мусулмонлар биринчи марта алоҳида диний жамоа (умма) бўлиб яшай бошладилар. Аста-секин намоз, азон ва бошқа амаллар тартибга солинди. Аввал муросасиз Авс ва Хазраж араб қабилалари ҳамда Бану Қурайза, Бану Қурайза, Бану Қайнуқоъ, Бану Надир яҳудий қабилалари билан ўзаро сулҳ тузилди. Ҳижратнинг иккинчи йили рамазон ойида (мил.624 й.) мусулмонлар уммаси қўшинлари ва маккаликлар ўртасида Бадр жанги бўлди. Бу жанг Мадинадан 80 мил (тахминан 130 км) узоқда Сурия карвон йўлида жойлашган Бадр қудуғи яқинида бўлиб ўтди. Муросасиз кечган жанг мусулмонлар ғалабаси билан тугади. Шу даврдан бошлаб Муҳаммад а.с. етакчилигидаги ислом жамоаси кучли бир давлатнинг вазифаларини бажара бошлади. Ўзларини мусулмон деб эълон қилиб, аслида эса Пайғабар ва мусулмонларга мухолиф иш юритганлар мунофиқлар деб номландилар. Кўпхудоликка эътиқод қилувчилар мушриклар деб аталди. Шу йили исломнинг асосий амалларидан бири бўлган закот фарз қилинди.

Таълимоти. Ислом сўзининг араб тилидаги луғавий маъноси – таслим бўлиш, бўйсуниш, истилоҳда эса ягона Аллоҳга бўйсуниш маъноларини беради. Ислом дини таълимоти бўйича Муҳаммад а.с. аввалги (Ўрта ер денгизи ҳавзаси цивлизациясида маълум бўлган) пайғамбарлар ишини давом эттирган, улар динини қайта тиклаган, қиёмат олдидан юборилган охирги пайғамбар (Хотам ал-анбиё') – набий ва расул, деб тан олинади. "Набий" – араб тилида хабарчи, хабар етказувчи маъноларини беради.

"Расул" – араб тилида элчи маъносини англатади. Аллоҳ томонидан алоҳида китоб ва шариат берилган пайғамбарлар расуллар даражасига эришган ҳисобланади. Исломнинг асосий рукнлари қуйидагилардир. 1. имон; 2. намоз; 3. закот; 4. рўза; 5. ҳаж.

Имон сўзининг луғавий маъноси ишонмоқ, тасдиқламоқ бўлиб, истилоҳда эса "Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадун расуллоҳ" (Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад унингайғамбари") калимасини тил билан айтиб, дил билан тасдиқлаш демакдир. **Намоз** - исломда имондан кейин мусулмонларга фарз қилинган иккинчи амал ҳисобланади. Намоз арконлари Қуръони каримда тўлиқ баён этилмаган бўлса ҳам, аммо у ҳақда баъзи кўрсатма ва тартиблар берлган. Намознинг вақти ҳамда адо этиш тартиблари ҳадислар билан жорий этилган. **Закот** - "поклаш" маъносини билдиради, яъни эҳтиёждан ташқари бўлган бойликнинг қирқдан бир қисмини садақа қилиш. Закот моли закот миқдорига етган бадавлат кишилар учун фарз этилган. Закот ҳижрий ҳисоб билан бир йил давомида ишлатилмай турган ёки шахсий эҳтиёждан ташқари хусусий мулк сифатида фойдаланилаётган маблағдан берилади. **Рўза** – йилда бир ой: "рамазон" ойи давомида кундуз кунлари ейиш-ичиш ва жинсий алоқада бўлишдан тийилиш. Рўза ҳижратнинг иккинчи йили фарз бўлган. Бу ибодат касал ё сафарда бўлган кишилардан бошқа кунларда тутиб бериш шарти билан соқит қилинади. Шунингдек, рўза рамазондан ташқари ойларда ҳам тутилиши мумкин. **Ҳаж** – қодир бўлган киши учун умрида бир марта Макка шаҳридаги Каъбани зиёрат қилиш ва ушбу ибодат ўз ичига оладиган арконларни адо этишдан иборат.

Ҳаж зулҳижжа ойининг 8-кунидан бошланади. Ҳаж қилишнинг уч тури мавжуд: "ифрод" – фақат ҳаж амаллари бажарилади, "қирон" – ҳаж ва умра амаллари олдинма-кетин бажарилади, "таматтуъ" – аввал умра қилиниб, эҳромдан чиқилади ва зулҳижжа ойининг саккизинчи куни эҳромга кириб, ҳаж рукнлари адо қилинади. Ҳажнинг фарзи учта: эҳром боғлаб ният қилмоқ, Арафотда турмоқ, Каъбани тавоф қилмоқ.

Семинар машғулотига тайёрланишда қуйидаги савол ва топшириқларга аниқ жавоблар топишга урининг:

1. Ислом қачон ва қандай шароитда шаклланди?
2. Янги дин даъвати қачон бошланган?
3. Муҳаммад пайғамбар ҳаёти ҳақида нималар биласиз?
4. Макка ва Мадина ҳақида нима биласиз?
5. Ислом ҳалифалик давлатини Муҳаммад пайғамбардан сўнг кимлар бошқарган?

Семинар машғулотида гуруҳ бўлиб ишлаб, талабалар билимини текширишга йўналтирилган топшириқлар:

1-гуруҳ топшириғи. Илк ислом даврида дин ва сиёсат масалалари қай даражада боғлиқ бўлганлини айтиб беринг?

2-гуруҳ топшириғи. 622 йилдаги ҳижратнинг моҳияти нималардан иборат эканлигини айтиб беринг ?

3-гуруҳ топшириғи. Исломнинг асосий рукнлари нималардан иборат эканлигини тушунтиринг?

Машғулот бошида ҳар бир талабага қуйидаги карточка тарқатилиб 5 дақиқа вақт белгиланади. Жадвални тўлдиринг

Исломдаги асосий амаллар	Ислом динидаги оқимлар	Ислом динидаги мазхаблар

Семинар машғулотига тайёрланишда қуйидаги адабиётлардан фойдаланинг

1. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. – Т., «Ўзбекистон», 2008.
2. Ҳасанов А.А. Макка ва Мадина тарихи. Т., "Меҳнат", Т., 1991.
3. Диншунослик асослари. А.И. Абдусамедов таҳрири остида.Тошкент: «Ўзбекистон», 1995.
4. Жўраев У., Саиджонов И. Дунё динлари тарихи. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1998.
5. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Ҳ. ва бошқалар. Диншунослик. Дарслик, - Т., "Меҳнат", 2004.
6. Жабборов И., Жабборов С. Жаҳон динлари тарихи. – Т., "Ўзбекистон", 2002.
7. Бозоров М.Ж., Мардонов Р.С. Диншунослик асослари.(маърузалар матни) Самарқанд, 2001
8. Большаков О.Г. История Халифата. Т.I. Ислам в Аравии (570-633). М., 1963.

8-МАВЗУ: ИСЛОМНИНГ АСОСИЙ МАНБАЛАРИ.

Машғулот режаси

1. Қуръони Карим
2. Ҳадислар

Мавзунинг қисқача мазмуни:

Қуръони карим – Аллоҳ томонидан 23 йилга яқин муддат мобайнида Муҳаммад а.с.га оятма-оят, сура-сура тарзида нозил қилинган илоҳий китобдир. Бу китоб ислом дининг муқаддас манбаи ҳисобланади. Қуръони каримнинг бир неча номлари бўлиб, улардан "қуръон" сўзи – арабча "қара'а" (ўқимоқ) феълидан олинган. Ундан ташқари, Қуръон – Фурқон, Мусҳаф, Зикр каби номлар билан ҳам аталади. Қуръон 114 сурадан иборат. Сура Қуръондан бир бўлак бўлиб, энг ками учта ёки ундан ортиқ оятларни ўз ичига олади. Оятлар сони эса Қуръон матнларини тақсимлашнинг турли йўлларига кўра, 6204 та, 6232 та, ҳатто 6666 тагача белгиланган.

Бу ҳар хиллик Қуръон нусхаларининг бир-биридан фарқли эканлигини эмас, балки ундаги оятларнинг турли қироат мактабларининг (уларнинг сони 14 дан ортиқ) анъаналари бўйича турлича тақсимланганлигини билдиради.

Қуръондаги суралар ўз мазмунига ёки нозил бўлган вақтига, яъни хронологик тартибига қараб эмас, балки ҳажмига кўра – аввал катта, сўнг кичик суралар тартибида йиғиб жойлаштирилган. Унинг сурларининг ҳар бири ўз номига эга. Баъзи сураларнинг номи унинг дастлабки сўзларидан олинган.

Қуръон суралари икки қисмга бўлинади:

1. Пайғамбар ҳижратидан муқаддам тушган суралар "Маккий суралар" ("Маккада тушган суралар") дейилади.
2. Ҳижратдан сўнг тушган суралар эса "Маданий суралар" ("Мадинада нозил бўлган суралар") дейилади.

Манбаларда келтирилган маълумотларга кўра, Қуръони карим сураларининг 86 таси маккий, 28 таси маданий суралар ҳисобланади.

Муҳаммад а.с. вафотидан кейин Қуръон кишиларнинг хотирасида сақланиб қолди. Кейинроқ халифа Абу Бакр (632-634) давридан Қуръонни китоб шаклига келтириб қўйиш зарурлигини англаб етди ва Зайд ибн Собит исмли саҳобани чақириб, бу ишни унга топширди. Бу жамлама кейинчалик "ас-Суҳуф ал-Бакрия" – "Абу Бакр саҳифалари" деб номланди. Қуръоннинг биринчи расмий нусхаси 651 йилда халифа Усмонга тақдим этилди. У асл нусха ҳисобланиб, ундан яна учта, баъзи манбаларга кўра еттита нусха кўчиртирилиб, араб аскарлари турган йирик шаҳарлардан – Басра, Дамашқ, Куфага жўнатилган. "Имон" деб номланган асл нусха эса Мадинада халифа Усмон ҳузурида қолди. Кўчирилган нусхалар "Мусҳафи Усмон" деб аталди.

Тарихчиларнинг ёзишича, халифа Усмон Қуръонни мутолаа қилиб ўтирганида фитначилар томонидан ўлдирилган. Унинг қони Қуръон саҳифасига тўкилган, деган нақл халқ орасида кенг тарқалган. Ҳозирги пайтда жаҳон музей ва кутубхоналарида Мусҳафнинг бир неча нусхалари сақланади.

Улардан бири Тошкентшаҳрида Ўзбекистон мусулмонлар идорасидадир. Унда қон излари бўлиб, шу нусха айнан халифа Усмонга тегишли, деган фикрлар мавжуд.

Мазкур Қуръон 353 варақдан иборат бўлиб, варақлар ўлчами 68^{x}53 см, матн ёзилган қисм ҳажми 50^{x}44. Саҳифалар кийик терисидан ишланган бўлиб, ҳар бирига 12 қатордан чиройли *куфий* хатида ёзув битилган. Кўп варақлари йўқолган ва кейинчалик қоғоз саҳифалар билан тўлдирилган.

Қуръони каримга кўплаб олимлар томонидан тафсирлар ёзилган. Жумладан, Абу Жаъфар ат-Табарий, Маҳуд аз-Замахшарий, Абу Лайс ас-Самарқандий ва бошқаларни зикр этиш мумкин.

Қуръон XII асрдан бошлаб Европа халқлари тилларига, жумладан, лотин тилига таржима қилина бошлаган. XVIII аср бошларида Европа халқлари тилларидан, XIX аср ўрталарида арабча асл нусхасидан рус тилига таржима қилинган. Академик И.Ю.Крачковский томонидан амалга оширилган Қуръоннинг илмий изоҳлари билан рус тилига таржимаси ҳанузгача машҳур.

Мамлакатимиз мустақил бўлганидан сўнг Қуръони каримни ўзбек тилига тафсир ва таржима қилишга киришилди. 1992 йилда Қуръон ўзбек тилига таржима қилинди ва "Чўлпон" нашрётида кўп нусхада чоп этилди. 2001 йилда таниқли олим Абдулазиз Мансур томонидан Қуръони карим маъноларининг изоҳли таржимаси нашр этилди.

Ҳадис луғатда "сўз, хабар, ҳикоя; янги" каби маъноларни англатади. Истилоҳда эса Муҳаммад а.с.нинг айтган сўзлари, қилган ишлари, таҳрирлари (кўриб қайтармаган ишлари) ёки у кишига берилган сифатларни ўзида мужассам қилган хабар ва ривоятлардир.

Ҳадислар ислом дини таълимоти ва қонунлари учун баъзи мазҳаблар наздида Қуръондан кейинги иккинчи манба ҳисобланади. Ҳадислар таркиб жиҳатидан икки қисмдан: айнан хабар берувчи матн ва уни ривоят қилган ровийлар занжири исноддан иборатдир.

Ҳадислар илк даврда фақат оғзаки равишда авлоддан-авлодга узатилар эди. Кейинги даврда пайдо бўлган муҳаддисларнинг фикрича, Пайғабарнинг ўз сўзларини ёзиб

олишдан одамларни қайтаришларига сабаб – ҳадислар Қуръон оятларига аралашиб кетмаслиги эди. Бошқа ҳадисда эса Пайғамбар ўз оғизларига ишора қилиб: "бу оғиздан фақатгина ҳақ сўз чиқади" – дея, ўз сўзларини ёзиб олишга буюрганликлари ҳақида ривоят қилинган.

VII-VIII асрларда мусулмон сиёсий гуруҳлари ўртасидаги шиддатли кураш давомида таъқиққа қарамасдан жуда кўп сонли ҳадислар дунёга кела бошлади. Бунга жавобан *илм ал-жарҳ ва-т-таъдил* (ҳадисларни танқид қилиб ўрганувчи) махсус фани пайдо бўлиб, ривожлана бошлади.уларда махсус текшириш орқали танлаб олинган ҳадислар жамлана бошланди. Шундай тўпламлардан бири Мадинадаги Урва ибн аз-Зубайрга (ваф. 94/712 ёки 99/717 й.) ва иккинчиси Сурияга кўчиб кетган Муҳаммад ибн Муслим аз-Зуҳрийга (ваф.741 й.) тегишли. Илк тузилган тўпламлар ҳар бир саҳоба номидан ривоят қилинган ҳадисларни ўзида жам қилганлиги учун *муснад* деб аталади.

IX аср мавжуд ҳадис тўпламлари қайта ишланган ҳолда уларни боблар бўйича тасниф қилиб, мусаннафлар ёзиш даври бўлди. Мусаннафлар тузилиши мобайнида ҳадислар, асосан уларнинг исноднлари танқидий ўрганилиб, саҳиҳ (ишончли)лари ҳасан ва заиф (ишончсиз)ларидан ажратилди. Ислом оламида шундай мусаннафлардан олтитаси XII-XIII асрлардан бошлаб алоҳида эътиборга молик, деб санала бошланди. Улар орасида катта нуфузга эга бўлган Имом ал-Бухорий (ваф. 870 й.) ва (ваф. 875 й.) ва "ал-Жомеъ ас-Жомиъ ас-саҳиҳ" тўпламлари; ундан кейинги муҳим тўпламлари: Абу Довуд, ат-Термизий (ваф. 892 й.), ан-Насоний (ваф. 915 й.) ва Ибн Можжанинг (ваф. 886 й.) "ас-Суннан" асарларидир. "Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ" китоблари ўз ичига биографик, маълумотлар, Қуръон оятларига тафсирлар, диний қонун-қоидалар, ижтимоий ва шахсий ахлоқ мезонларини қамраб олувчи ҳадисларни жамлаган. "Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ"нингишончлилик даражаси суннийлар орасида бошқа тўпламлардан кўра юқорироқ хисобланади.

Яна сунний муҳаддислар қаторида Абдуллоҳ ибн Абд ар-Раҳмон ад-Доримий Самарқандийни (798-869) айтиб ўтиш жоиз. Бу олим Самарқандда яшаб ижод этган бўлиб, ҳадис

илмини ривожлантиришга ўзининг катта ҳиссасини қўшган. Имом ад-Доримий "ас-Сунан" тўплами тузувчисидир.

Кейинчалик ислом оламида турли даражадаги сохта ҳадисларнинг кўпайиб кетиши муҳаддис-олимлар олдига катта маъсулиятли вазифани – мана шу тўқима ва саҳиҳ ҳадисларни ажратиб бериш вазифасини қўйди. Қиссанавислар (қуссослар) инкор этиб бўлмайдиган иснодлар билан ҳадислар тўқиш бобида энг "илғор" кишилар бўлиб, бу ҳикоялари учун содда кишилар уларга яхшигина ҳақ тўлар эдилар.

Ҳадислар орасида тўқима ҳикоялар кўп учрайди. Уларда Арабистондан узоқдаги кейин босиб олинган ўлкалар (масалан, Бухоро, Самарқанд, Ўш) ва ҳатто Пайғамбар даврида ҳали асос солинмаган шаҳарлар, кейинчалик пайдо бўлган масалалар, мавзулар ҳақида сўз боради. Ислом тарихининг навбатдаги босқичларида вужудга келган *хавориж, муржиъий, қадарий, жаҳмий, шиа, аббосий* каби оқим ва гуруҳлар ҳақида гапирилади.

Ҳадисларни танқидий ўрганиш бўйича тез орада олти тўпламда учраган бир қатор махсус атамалар гуруҳи вужудга келди. Имом ат-Термизий бу соҳада салмоқли ишни амалга оширди. У фақатгина ҳадисларни тўплаш билангина чекланиб қолмасдан, уларнинг таҳлилига ҳам алоҳида бўлим ажратди. Имом ат-Термизий биринчилардан бўлиб ҳадисларни саҳиҳ, ҳасан ва заиф гуруҳларга ажратган олимдир.

Ҳадисларни ўрганиш фани улум ал-ҳадис (ҳадис илмлари) деб аталади. Бу илмий соҳада кўплаб асарлар яратилди. Улар орасида мукаммал деб ҳисобланган Абу Муҳаммад ар-Ромаҳурмузийнинг (ваф. 971й.) етти жилдли "ал-Муҳаддис ал-фосил байн ар-ровий ва-л-воъий" китобидир. Ундан кейинги ўринда ал-Ҳоким ан-Нишопурийнинг "Маърифат улум ал-Ҳадис", Ибн ас-Салоҳнинг "Улум ал-ҳадис" асарлари туради.

Ҳадис кўпинча Сунна сўзи билан ҳам ёнма-ён келади. Сунна сўзининг луғавий маъноси – "одат", "тариқа", "йўл" бўлиб, истилоҳда Пайғамбар одатлари, тутган йўли, тақрир (кўриб қайтарилмаган) ва буюрган ишларига нисбатан қўлланилади.

Мустақиллик йиллардан бошлаб Ватанимизда маданий, маънавий ва диний тарих, уни чуқур тадқиқ этишга кенг йўл очилди. Мамлакатимизда ҳадисларни ўрганиш бўйича қисқа муддат ичида талай ишлар амалга оширилди. Хусусан, т.ф.д. У.Уватов, т.ф.н. Б.И.Эшонжонов, Н.Мирмаҳмудов каби тадқиқотчи-олимларимиз томонидан Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Имом Муслим каби бир қатор муҳаддис-уламолар ҳаёти, илмий фаолиятлари ёритилди.

1998 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан "Имом ал-Бухорий" халқаро жамғармаси ташкил этилди. Бу жамғарма қисқа муддат ичида салмоқли ишларни амалга оширди. Жумладан, 2000 йилдан "Имом ал-Бухорий сабоқлари" маънавий-маърифий, илмий-адабий журнали нашр этилмоқда.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун визуал материаллар

- Оят (араб. илоҳий белги, мўъжиза) –Қуръон сураларининг бандлари. Оят Аллоҳнинг ўз элчиси Муҳаммад (с.а.в.)га ваҳий қилиб, бандаларга қўлланма сифатида юборган мўъжизаси.
- Энг қисқа оятлар "Тоҳо" ва "Ёсин".
- Энг узун оят "Бақара" сурасининг 282-ояти.
- Сура (араб. тизма, қатор, қўрғон,манзил ва шараф маъносида) – фақат Қуръонга хос тушунча, унинг бўлимлари(боблари) Сура дейил[illegible]
- Энг қисқа сура "Кавсар" (3 оят).
- Энг узун сура "Бақара" (286 оят[illegible]

Қуръон сураларининг хронологик тартиби

- 1. Макка даври (610 - 615 йй.). Бу даврда юксак адабий ижод намуналари бўлган сажъ жанридаги суралар ўқилган. Европа олимлари уларга «Назмий суралар» деб ном берганлар.
- 2. Макка даври (616 - 619 йй.). Муҳаммад (с.а.в.) ва уларнинг издошлари доимий таъқиб остида яшаган ва кўпчилик Ҳабашистонга кетган муҳитда ўқилган. Бу суралларда Аллоҳнинг «Раҳмон» сифатида кўп тилга олинганлиги сабабли Европа олимлари уларни «Раҳмон суралари» деб атаганлар.
- 3. Макка давр[illegible] сентябрин[illegible] [illegible] в.) ва унинг[illegible] [illegible] илар.

Семинар машғулотига тайёрланишда қуйидаги савол ва топшириқларга аниқ жавоблар топишга урининг:

1. Қуръони Карим қачон нозил бўла бошлади?
2. Қуръон қачон яхлит китоб шаклига келтирилди.
3. Ҳадис, хабар, сунна деганда нимани тушунасиз?
4. Қандай ҳадис тўпламларини биласиз?
5. Имом ал-Бухорий ким бўлган?

Семинар машғулотида гуруҳ бўлиб ишлаб, талабалар билимини текширишга йўналтирилган топшириқлар:

1-гуруҳ топшириғи. Қуръон нозил бўлиш даврига кўра қандай қисмларга бўлинади.

2-гуруҳ топшириғи. Ҳадислар қачондан бошлаб ёзила бошланди?

3-гуруҳ топшириғи. Энг машҳур муҳадисслардан кимларни биласиз?

Талабалар мустақил ишлаш учун конвертларга солинган саволларни танлаб оладилар ва кисқача жавобларни тинглайди.

1. Мустақиллик ва ислом дини ҳақида ўз фикрингизни баён қилинг?
2. Қуръони карим қачон нозил бўла бошлади?
3. Қуръон нозил бўлиш даврига кўра қандай қисмларга бўлинади?
4. Исломий қадриятларнинг тикланиши ҳақида нималарни биласиз?
5. Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий ҳақида нималарни биласиз?
6. Илм олишга бағишланган ҳадислардан намуналар келтиринг.
7. Қуръон қачон яхлит китоб шаклига келтирилди?
8. Қуръон қандай қисм ва бўлимлардан иборат?
9. Қуръоннинг жамланиши кимлар томонидан амалга оширилди?
10. Тошкентдаги «Усмон Мусҳафи» ҳақида нима биласиз?

11.Машҳур муфассирлардан кимларни биласиз?

12.Қуръоннинг ўзбек тилига таржимаси ким томонидан амалга оширилди?

Семинар машғулотига тайёрланишда қуйидаги адабиётлардан фойдаланинг

1. Қуръони карим маъноларининг таржимаси/ Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз мансур. Т., "Тошкент ислом университети" нашрёти, 2991.
2. Кароматов Ҳ.С. Қуръон ва ўзбек адабиёти. Т., "Фан", 1993.
3. Маҳдум Шайх Исмоил. Тошкентдаги Усмон Муҳафининг тарихи, Т., 1995.
4. Ҳасанов А.А. Макка ва Мадина тарихи. Т., "Меҳнат", Т., 1991.
5. Диншунослик асослари. А.И. Абдусамедов таҳрири остида.Тошкент: «Ўзбекистон», 1995.

6. Жўраев У., Саиджонов И. Дунё динлари тарихи. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1998.
7. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Ҳ. ва бошқалар. Диншунослик. Дарслик, - Т., "Меҳнат", 2004.
8. Жабборов И., Жабборов С. Жаҳон динлари тарихи. – Т., "Ўзбекистон", 2002.
9. Бозоров М.Ж., Мардонов Р.С. Диншунослик асослари.(маърузалар матни) Самарқанд, 2001
10. Большаков О.Г. История Халифата. Т.I. Ислам в Аравии (570-633). М., 1963.

9-МАВЗУ: ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР

Машғулот режаси

1. Виждон эркинлигининг тамойиллари.
2. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари.
3. Ўзбекистон Республикасининг«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» янги таҳрирдаги қонунининг аҳамияти

Мавзунинг қисқача мазмуни:

Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар масаласи ижтимоий ҳаётда ҳар доим муҳим ва мураккаб масала бўлиб келган. Бинобарин, унинг замирида шахснинг ҳуқуқи, демократия, адолатпарварлик ва ахлоқий тушунчалар ётади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг уставидан тортиб барча халқаро хужжат ва шартномаларда, ҳамма мамлакатларнинг конституция ва қонунларида виждон эркинлиги ўз ифодасини топган. 1948 йилда қабул қилинган инсон ҳуқуқлари умумий Декларациясига муофиқ, ҳар бир инсон фикрлаш, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга. Бундан ташқари, бу масала яна бир мураккаб ҳодиса – турли дунёқараш, эътиқодда бўлган кишилар ўртасидаги, давлат билан дин, диний ташкилотлар билан давлат ўртасидаги муносабатларнинг амалда ҳуқуқий таъминланишини ҳам назарда тутади. Виждон эркинлиги ҳуқуқий категория сифатида, бир томондан, эътиқод эркинлиги, яъни ҳар қандай

динни эркин танлаб олиш ҳуқуқини, иккинчи томондан эса, дунёвий фикр эркинлигини, ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқини ифода этади. Виждон эркинлиги ҳуқуқи фуқароларнинг ниҳоятда муҳим конституцион ҳуқуқлардан биридир. У жамият маърифий ҳамда маданий даражасининг белгисидир. Виждон эркинлиги кишиларнинг руҳий оламига, маънавий соғломлиги ва баркамоллигига бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун бу масаланинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва бажарадиган вазифалари катта аҳамиятга моликдир. Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Низомида барча халқаро хужжатларда ҳамма мамлакатларнинг Конституция ва қонунларида виждон эркинлиги масаласи ўз ифодасини топган. 1948 йилда қабул қилинган инсон ҳуқуқлари умумий декларациясига мувофиқ ҳар бир инсон фикрлаш, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эгадир. Бу ҳуқуқ ўз дини ёки эътиқодини ўзгартириш эркинлигини ўзича, шунингдек бошқалар билан амалга ошириш кафолатини, ибодат қилишда ва диний маросимларда якка тартибда ва одамлар билан бирга қатнашиш эркинлигини ўз ичига олади. Виждон эркинлиги инсон маънавий эркинлигининг зарурий таркибий қисми ҳисобланб, кишиларнинг диний эътиқод ёки ҳурфикрлилиги масалаларидаги эркинлигини билдиради.

Ўзбекистонда виждон эркинлиги қуйидаги тамойилларга асосланади:

1. Диний ташкилотларни давлатдан ажратиш. Бу диний ташкилотларга давлат томонидан моддий маблағ берилмаслиги, расмий хужжатларда эса фуқароларнинг динга муносабатлари қайд қилинмаслиги, фуқаролик ҳолатларини (туғилиш, уйланиш, балоғат ёшига етиш, ўлим ва ҳоказоларни) рўйхатга олиш давлат ихтиёрига бўлишидан иборатдир.

2.Барча мавжуд динлар тенглигини таъминлаш.

Бу Ўзбекистон аҳолиси эътиқод қиладиган динлардан бирортасига ҳам имтиёз берилмаслигини, бирортаси ҳам таъқиб остига олинмаслигини, ҳаммасининг тенг ҳуқуқлигини, диндорларга эса ўз диний эҳтиёжларини қондириш учун ибодатхона, тоат-ибодат буюмлари бепул ва муддатсиз бериб

қўйилишини билдиради. Шунингдек, диндорлар фуқаролик бурчларини ўташдан озод қилинмайдилар.

3. Ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқи.

4. Мактаб тизимини дин таъсиридан озод қилиш, яъни мактабларда диний илмларнинг ўқитилишига йўл қўймаслик. Диний илмлар диний ўқув юртларида берилади.

5. Барча фуқаролар қайси динга эътиқод қилишидан қатъий назар қонун олдида тенгдирлар. Бундан ташқари виждон эркинлиги яна бир мураккаб ҳодисани, яъни турли дунёқараш, эътиқодда бўлган кишилар ўртасидаги муносабатларнинг амалда ҳуқуқий таъминланишини ҳам назарда тутади.

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда давлат турли конфессиялар билан ўзаро муноса-батларда, «ўз дунёвий хусусиятини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги тамойилларга амал қилмоқда:

- диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш;
- диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олиш;
- диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик;
- маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий қадриятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот қилиш йўлларини излаш зарурати;
- диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиш».

Виждон эркинлиги мавҳум тушунча бўлмасдан, балки маълум ижтимоий вазиятда намоён бўлади. Шунинг учун уни конкрет ижтимоий шароитсиз, объектив ва субъектив омилларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Виждон эркинлиги динни маъмурий чеклашларнинг ҳар қандай назарий ва амалий кўринишларига чек қўяди, динга ишонувчиларни мажбуран ўз эътиқодларидан қайтиб, бошқа динга киришларини рад этади. Ислом динининг муқаддас китоби бўлган Қуръони Каримнинг «Бақара» («Сигир») сурасининг 256-оятида, «Тавба» сурасининг 6-оятида, «Раъд» («Момоқалдироқ») сурасининг 31-оятида ҳам инсоннинг хоҳлаган динини танлаши эркинлиги ёки динга

эътиқод қилмаслик эркинлиги эътироф этилган. Жумладан, «Бақара» сурасининг («Сигир») 256 оятида «Динга зўрлаб киритиш йўқдир. Зеро ҳақ йўл залолатдан ажраб бўлди. Бас, ким шайтондан юз ўгириб, Оллоҳга иймон келтирса, у ҳеч ажраб кетмайдиган мустаҳкам халқани ушлайди. Оллоҳ эшитгувчи, билгувчидир», дейилган. Одамлар доим турли дунёқараш ва эътиқод билан яшаб келганлар. Ҳар бир инсоннинг ўз маънавий дунёси, ўз эътиқоди бўлади. Ўз ҳаёт фаолияти давомида ана шуларга амал қилади. Аммо бундай хилма-хиллик, қарама-қарши ғоя ва ақидаларнинг мавжудлиги муросасиз зиддиятларга, жиддий тўқнашувларга олиб келмаслиги, одамлар қавми, миллатлар, дину мазҳаблар, давлатлар ўртасидаги яхши муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланишига тўсиқ бўлмаслиги лозим. И.А. Каримовнинг таъкидлашича: «Инсоннинг, шахснинг қадр-қимматини устувор қадрият сифатида эътироф этувчи ҳозирги дунёда, мазкур зиддият инсоннинг эркин фикрлаш, хоҳлаган динига эътиқод қилиш эркига ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик эркига бўлган ҳуқуқини тан олишга айланди».

Ўзбек халқи бутун тарихи давомида бошқа халқлар ва конфессиялар вакилларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлган. Этник, маданий хайриҳоҳлик ва очиққўнгиллик ўзбек халқининг азалий фазилатларидан биридир. Республикамизда қадимдан шаклланган урф-одатлар, маънавий анъаналарга асослаган Конституцияда (1992 й.8 декабр) ҳурфикрлилик, виждон ва диний эътиқод эркинлиги масалаларига ҳам катта аҳамият берилган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳар кимнинг виждон эркинлигини кафолатлар экан, айни пайтда мамлакатда барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенг эканликларини мустаҳкамлади (18-модда). Виждон эркинлиги масаласи Конституцияда қуйидагича ўз ифодасини топди: «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади, ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди» (31-модда). Шунингдек,

Конституцияда, динни бузғунчилик қуролига айлантиришнинг олдини олувчи қуйидаги қоида ҳам мавжуддир. «Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмалар, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти таъқиқланади. Махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш таъқиқланади» (57-модда).

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, кўпгина демократик давлатларда бўлгани каби дунёвий ривожланиш йўли сақланиб қолинди. «Кўпчилик Ўзбекистонда аҳолининг 80 фоизидан кўпроғи исломга эътиқод қилади, шунинг учун бу ерда ислом қонунлари ва анъаналари устун бўлиши керак, деб ўйлашга ўрганиб қолганлиги боис ҳам мен эътиборингизни бунга атайлаб қаратаяпман. Йўқ. Биз давлат ҳаётида Конституцияга қатъий риоя қиламиз, демак биз ислом давлати меъёрларига мос келмаймиз» -деб эътироф этади И.А. Каримов.

Дин билан давлат ўртасидаги муносабатлар моҳияти ҳам Конституцияда ўз аксини топган. Унга мувофиқ «диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди» (61-модда).

Конституциямизда қайд этилган динга эътиқод қилиш эркинлиги, Ўзбекистонда ислом давлатини тузиш ҳақидаги асоссиз даъватларга ҳам чек қўяди. Мамлакатимиздаги конфессиялар тўғрисида Президентимиз И.А.Каримов қуйидаги фикрниб билдирди: «Ўзбекистон Республикасининг Конститутциясига Конституциясига мувофиқ давлат ишларидан ажратилган ҳолда бизнинг мустақил, ҳур, кўпмиллатли мамлакатимизда ислом дини билан баробар православие, иудаизм, баптизм, адвентизм, католицизм сингари ўндан ортиқ бошқа конфессиялар мутлақо эркин фаолият кўрсатмоқда».

Демак, виждон эркинлиги тамойиллари динга эътиқод қилиш, ёки эътиқод қилмаслик эркинлигини ифода этади, дин билан давлатнинг ўзаро муносабагларини акс эттиради, таълимнинг дунёвий характерини кўрсатади. Ўзбекистон Конституциясининг юқорида қайд этилган моддалари виждон эркинлигининг ҳуқуқий асосларини кафотлайди, диндан сиёсий, ғаразли мақсадларда фойдаланишга уринишларнинг олдини олиш, давлатнинг дунёвий мақомини, динларнинг эса тенглиги ва мавқеини белгилаб беради.

Виждон эркинлиги ва ҳурфикрлиликни кафолатловчи конституциявий қоидаларни мустаҳкамлаш мақсадида 1991 йил 14 июнда Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» қонуни қабул қилинган.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро битимларга асосланган бу қонун фуқароларнинг динга эътиқод қилиш ёки қилмаслик ҳуқуқини кафолатлаб берди. Ушбу қонунда демократик жамиятдаги диннинг вазифалари, диний ташкилотларнинг ҳуқуқий асослари, давлат билан ўзаро муносабатлари ўз ифодасини топди. Ўзбекистон суверен давлатчилигини барпо этишнинг дастлабки йилларида ушбу Қонун сўзсиз самара берди. Шу давр мобайнида диний маросимларни бажариш учун имконият яратилди, масжидлар очилди, диний байрамларни нишонлашга рухсат берилди. Шу ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда демократик фуқаролик ва ҳуқуқий давлат қуришнинг муайян тажрибаси тўпланди. Эришилган тараққиёт даражамиз ҳамда Конституциямиз қоидаларига мос келувчи янги қонунни яратиш давр талабига айланди. Шу билан биргаликда мамлакатда норасмий диний оқимларнинг фаоллашуви кузатилди. Бу оқимлар фундаментализм, экстремизмни қурол қилиб, мустақиллигимизга таҳдид сола бошладилар. Бу қонунни ҳар қандай диний фундаменталистик, экстремистик ғояларга чек қўядиган қатъий қоидалар билан кучайтириш зарурияти туғилди. И.А. Каримов Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XII сессиясида сўзлаган нутқида бу ҳақда қуйидаги фикрларни билдирди: «Биз бугун нима учун мана шу Виждон эркинлиги тўғрисидаги қонунни

қайта кўриб чиқаяпмиз? Бунинг сабаби шуки, мазкур Қонун 1991 йилда, яъни Конституциямиздан бир ярим йил олдин қабул қилинган эди. Ҳозир янги Конституцияни қабул қилдик, кўп қонунларни ишлаб чиқдик. Энди ҳаётимиз учун, келажагимиз учун, фарзандларимизнинг соғлом эътиқоди учун аҳамиятли бўлган, демократиянинг энг муҳим шарти бўлмиш виждон эркинлиги масаласини қайта кўриб чиқаяпмиз». Шунинг учун Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги XII сессиясида «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Қонунга биноан фуқаролар динга ўз муносабатларини ихтиёрий равишда белгилаши ва ифодалаши, ҳар қандай динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликлари мумкин. Бундай кафолат уларнинг конституциявий ҳуқуқларидан келиб чиқади (3-модда). Бу қонунга киритилган янги қоидалардан бири, ҳали дунёқараши тўла шаклланмаган ёшларни диний тазйиқдан ҳимоялашни назарда тутади. Хусусан, унда «вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, шунингдек уларнинг ихтиёрига, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитишга йўл қўйилмайди», дейилган (3-модда, 2-қисм).

Юқоридаги қоиданинг киритилишига ёшларни динга эътиқод қилишга мажбурлаш, масжид, хонадон ва турли ҳужраларда норасмий равишда диндан сабоқ бериш, мутаассиблик, таркидунёчиликнинг кучайиши сабаб бўлди. Янги таҳрирдаги қонуннинг 5-моддасида демократик давлатнинг динга нисбатан тутган сиёсатининг асослари баён этилган. Давлатнинг динга нисбатан сиёсати қуйидаги тамойиллардан иборат:

- диний конфессиялар, ташкилотлар фаолиятини фуқароларнинг диний эҳтиёжларини қондиришга, фақатгина диний ибодат ва маросимларни адо этишга йўналтириш;
- диний муассаса ва ташкилотлар зиммасидан давлатнинг бирон-бир вазифасини бажаришни соқит қилиш;
- давлат томонидан ҳеч бир диний конфессияга моддий ёрдам кўрсатмаслик ва уларнинг биронтасига нисбатан бирон-бир имтиёз бермаслик;

- давлат диний ташкилотларнинг фуқаролар диний эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ қонун ҳужжатларига зид бўлмаган фаолиятига аралашмаслик.

И.А. Каримов эътироф этганидек, «Давлатнинг иши – давлатники, диннинг иши динники бўлиши лозим. Бу нозик ва мураккаб масалада муносабатларнинг ўзаро ҳурмат ва ишонч асосида қурилиши ягона мақбул йўлидир. Давлат диндор фуқароларининг диний эътиқод ва ҳақ-ҳуқуқларини қанчалик ҳурмат-эҳтиром қилса, диндорлар ҳам давлат қонунлари ва сиёсатини шунчалик ҳурмат-эҳтиром қилишлари шарт. Шундагина ҳеч кимнинг ҳеч кимдан кўнгли қолмайди». Ушбу қонунга мувофиқ, бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киришга қаратилган ҳатти-ҳаракатлар (прозелетизм), шунингдек бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади. Чунки прозелетизм ва миссионерлик турли ижтимоий гуруҳлар ва диний конфессиялар ўртасида қарама-қаршилик келтириб чиқарувчи ҳодисадир. Сўнгги йилларда мамлакатимизда миссионерлар ва «даъватчилар» нинг пайдо бўлаётганлиги бунга гувоҳлик бермоқда.

Янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» ги қонуннинг 10-моддаси диний ташкилотларнинг низоми деб аталган. Низомда қоида бўйича, диний ташкилотларнинг таълимот йўналиши, мазмуни, уларнинг ички тузилиши, фаолиятининг асосий йўналишлари, иш юритиш усуллари ва шакллари каби масалалар акс этган. Қонундаги янгилик шундан иборатки, энди бевосита диний ташкилотларнинг ўзи рўйхатдан ўтказилади. Эски таҳрирдаги қонунда эса диний ташкилотларнинг низоми рўйхатдан ўтказилган. «Биз диний ташкилотлар билан муносабатимизни қонун асосида, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат ва ҳимоя қилиш асосида олиб борамиз. Айни пайтда улардан ҳам қонун олдидаги бурч ва мажбуриятларини бажариш талаб қилинади. Бу халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаб олинган йўлдир деб қайд қилади И.А. Каримов.

Янги таҳрирдаги қонунга биноан «Ўзбекистон Республикасида таълим тизими диндан ажратилган. Таълим тизимининг ўқув дастурларига диний фанлар киритилишига йўл

қўйилмади» деб таъкидланади. Қонунга биноан фуқаролар динга бўлган мунсабатидан қатъий назар дунёвий билим олиш ҳуқуқига эгадирлар. Диний таълим махсус диний ўқув юртларига амалга оширилади. Диндан сабоқ берувчилар, мураббийлар тегишли пухта билимга ва уни ўқитиш ҳақидаги махсус рухсатномага эга бўлишлари шарт. Хусусий тартибда диний таълим бериш man этилади. Айни пайтда Ўзбекистонда бир қатор диний йўналишдаги ўқув юртлари фаолият кўрсатмоқда. Масалан, Имом ал-Бухорий номидаги ислом илмгоҳи, имом Фахриддин ар-Розий ислом мадрасаси, Бухородаги Мир-Араб мадрасаси, Самарқанд христиан протестант диний семинарияси, Ахейтмимим Ўрта Осиё яҳудий диний семинарияси, Эшон Бобохон номли ислом ўрта махсус билим юрти, Саид Муҳиддин Маҳдум номли ислом ўрта махсус билим юрти ва бошқалар.

Қонуннинг 17-моддасида диний ташкилотларнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти масалалари баён этилган. Бу моддага биноан диний ташкилотлар ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш асосида амалга оширадилар. Диний ташкилотларнинг нашриёт фаолияти учун имкониятлар кенгайди. Уларнинг диний адабиётларни нашр этиши, тарқатиши диний тарбияни амалга ошириш учун йўналтирилмоғи зарур. Чет элда нашр этилган адабиётларни олиб келиш ва тарқатиш, уларнинг мазмуни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилгандан кейин амалга оширилади. Демак, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» ги қонун фуқароларнинг виждон эркинлигини кафолатлашда, давлат билан дин, диний ташкилотлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда, таълим тизимининг диндан мустақиллигини таъминлашда, диний фундаментализм, экстремизм, мутаассиблик хуружларига чек қўйишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Семинар машғулотига тайёрланишда қуйидаги савол ва топшириқларга аниқ жавоблар топишга урининг:

1 Ўзбекистонда виждон эркинлиги қандай тамойилларга асосланади 2. Мустақил Ўзбекистонда давлат ва конфессиялар ўртасидаги муносабатлар қандай тамойилларга асосланади?
3. Ўзбекистон Конституциясининг қайси моддаларида виждон эркинлиги тўғрисида қайдай моддалар мавжуд?

Семинар машғулотида гуруҳ бўлиб ишлаб, талабалар билимини текширишга йўналтирилган топшириқлар:

1-гуруҳ топшириғи. Ўзбекистон Республикасининг«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» янги таҳрирдаги қонунининг аҳамияти?
2-гуруҳ топшириғи. Инсон ҳуқуқлари умумий Декларацияси қачон қабул қилинган ва диний ташкилотларга қандай ҳуқуқлар берилган?
3-гуруҳ топшириғи. Ўзбекистода ислом фундаментализмининг олдини олиш учун қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Гуруҳ бўлиб ишлаб, қуйидаги визуал материалларни шарҳланг.



Машғулот бошида тавсия этиладиган блиц-сўров

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида диний эътиқод эркинлигига қандай муносабат билдирилган?
2. Диний эътиқод эркинлиги ҳақида Конституциянинг қайси моддасида сўз юритилади?
3. "Диний ташкилотлар" деганда нималар назарда тутилади?
4. Диний ташкилотларга кимлар аъзо бўла олади?
5. Турли конфессиялар орасида низо чиқмаслиги учун давлат қандай тадбирларни қўллайди?

Семинар машғулотига тайёрланишда қуйидаги адабиётлардан фойдаланинг

1. Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2008.
2. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида (янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Т.: Адолат, 1998.
3. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. – Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги, 2004.
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги, 2004.

Мўминов А., Йўлдошхўжаев Ҳ. ва бошқалар. Диншунослик. Дарслик,. Т., "Меҳнат", 2004.

10-МАВЗУ: МИССИОНЕРЛИК ВА ПРОЗЕЛТИЗМ

Машғулот режаси

1. Миссионерлик ва прозелитизмнинг мазмун-моҳияти ва ғоявий-ақидавий асослари.
2. Замонавий миссионерлик уюшмалари.
3. Миссионерлик фаолиятининг олиб бориш услублари.

Мавзунинг қисқача мазмуни

"Миссионерлик" тушунчаси илмий адабиётларда турлича таърифланади. Жумладан, "Ўзбекистон миллий энциклопедия"сида Миссионерлик (лот. Mission - жўнатмоқ) – бирор динга эътиқод қилувчи халқлар орасида бошқа бир дин тарғиб қилиш. Миссия – 1) муайян топшириқ билан бошқа мамлакатга юборилиган вакиллар; 2) бир давлатнинг бошқа давлатдаги (элчихонадан фарқли равишда) вакили томонидан бошқариладиган доимий дипломатик ваколатхонаси. "Жаҳон китоби" энциклопедиясида эса "Миссионер – бирон диний гуруҳ томонидан бошқаларни ўз динига тарғиб қилиш ва киритиш учун юборилган инсон", Кирилл ва Мефодийнинг катта энциклопедиясида «Миссионерлик – бирор диний бирлашма вакилларининг ўз эътиқодини бошқа дин вакиллари орасида ёйиш ҳаракати» деган таърифлар берилган.Юқорида келтирилган барча таърифлар, гарчи турлича талқинда бўлсада, уларда миссионерликнинг ўз моҳиятига кўра мафкуравий табиатга эгалиги ҳақидаги умумий хусусияти таъкидланади. Миссионерлик фаолиятининг ижтимоий жараёнлар билан алоқадорлиги, унга таъсир кўрсатувчи шарт-шароитлар мавжуд динларда ҳар хил кўринишларда бўлиб, XVI асрда иезуитлар раҳбарлигида «Диний тарғибот» конгрегацияси Осиё, Африка, Ҳиндистон, Хитой ва Японияга ўз миссионерларини кенг жалб қилган ва у ҳозиргача турли кўринишда давом этиб, дунё мамлакатлари ижтимоий тараққиётига салбий таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, Ўзбекистонда ҳам бу муаммо мавжуд ва бунга бир қатор ижтимоий, сиёсий, хусусан диний омиллар сабаб бўлмоқда. Ҳозирги даврда эса миссионерлик «табиғ» (башорат бериш), «тансир» (насронийлаштириш) ҳам дейилиб,

улар асл фаолиятларини ниқоблаш учун турфа чиройли номлардан фойдаланмоқдалар ва сафларига қўшилганларга «сиз бошқалардан ажралиб турадиган кишисиз», «Худонинг болалари», «Муқаддас руҳ била бирга сўзлашувчилар» каби илоҳий сифатларни бериб, ўз сафларида тутиб турмоқдалар.

«Прозелитизм» тушунчаси ҳам миссионерлик билан бевосита боғлиқ бўлиб, прозелит – юнонча («келгинди») янги мазҳабни қабул қилган киши, прозелитизм – бир эътиқоддаги кишини бошқа эътиқодга ўтказишга уриниш маъносини билдириб, «- бу бирор бир динга ишонган фуқарони ўз динидан воз кечишга ва ўзга динни қабул қилишга тўғридан тўғри мажбур қилишдир». Прозелитизмнинг асосий мақсади дунёга христианликни (масиҳийликни) миссионерлик йўли билан ёйиш, кишиларни унга ўтказиш бўлиб, бунда мазкур дин бутун инсоният учун бирдан-бир энг замонавий информацион технологик восита, усуллар ишга солинади. Бунда кишилар руҳияти, онгига психологик, нейролингвистик таъсир кўрсатишга алоҳида эътибор берилади.

Кейинги вақтларда Ғарб маданиятининг Шарқ, хусусан, Марказий Осиё мамлакатларига инвестиция қилинишида христиан динининг мавқеига катта эътибор берилмоқда. Буда «Хисбут-таҳрир», «Ал-Қоида», «Мусулмон биродарлари» каби диний-экстремистик ташкилотларнинг ёвуз қилмишларини минг йиллар давомида шарқ тамаддудининг асоси бўлиб келган Исломга нисбат берганлари ҳолда прозелитизм, яъни бошқа мазҳабдагиларни, аввало, мусулмонларни христианликка киритиш сиёсатини юритмоқдалар. Прозелитизмнинг асосий мақсади дунёга христианликни (масиҳийликни) миссионерлик йўли билан ёйиш, кишиларни унга ўтказиш бўлиб, унинг ташкилоти-миссионерлик жамияти дастлаб 1795 йили Лондонда, 1792 йили Нидерландияда, 1910 йилда Эденбург (Шотландия)да таъсис этилган эди. Прозелитизм сиёсатида христианлик бутун инсоният учун холоскор дин сифатида тарғиб ва ташвиқ қилинади ва бунинг учун энг замонавий восита, усуллар ишга солинади. Бунда кишилар руҳияти, онгига психологик, нейролингивистик таъсир кўрсатишга алоҳида эътибор берилади. Прозелитизм ҳозирги ўтиш даврида

«Мусулмон биродарлари», «Хисбут-таҳрир», «Акромийлар» ташкилотлари билан бир қаторда Марказий Осиё мамлакатларида ижтимоий-сиёсий вазиятни кескинлаштиришнинг омили бўлиб хизмат қилмоқда. 2005 йил май ойида Қирғизистонда содир бўлган «бахмал инқилоб»нинг асосий сабабларидан бири ҳам прозелитизм негизида юзага келган этник гуруҳлар ўртасидаги низолардир. Шуни таъкидлаш керакки, туб аҳолиси мусулмонлар бўлган Қирғизистонда сўнгги йилларда христиан конфессиялари ўз фаолиятини бевосита Ғарб ҳомийлигида Ислом мазҳабидагиларни насронийликка ўтказишга қаратилмоқдалар. Шу боис қисқа вақт ичида мамлакат шимолидаги аҳолининг аксарият қисми тобора христианлашиб бормоқда. Ўз вақтида бир қатор мутахассис, аналитиклар агар Қирғизистондаги прозелитизм муаммоси ечими бўйича қатъий чора-тадбирлар кўрилмаса, бу ҳол мамлакатда ижтимоий-сиёсий беқарорликни келтириб чиқариш ҳақида огоҳлантирган эдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳам Россиянинг «Независимая» газетасининг мухбирига берган интервьюсида Қирғизистонда Ғарб таъсири остида тўнтариш – «зарғалдоқ инқилоби» рўй бериши мумкинлигини башорат қилган эди» ва бунинг қанчалик ҳақиқат эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб берди – шундай инқилоб орадан кўп вақт ўтмасдан рўй берди.

Прозелитизм муаммоси Ўзбекистонда ҳам мавжуд бўлиб, у ҳозирча ўзининг ечимини талаб этувчи энг долзарб масала сифатида намоён бўлган эмас. Лекин унинг хавфидан кўз юмиб бўлмайди. Мазкур муаммонинг мамлакатимизда пайдо бўлиши ўтиш даврида юзага келган мафкуравий бўшлиқ ва бунинг натижасида кириб келиб «Хисбут-таҳрир», «Мусулмон биродарлари» каби диний-экстремистик ташкилотларнинг фаолияти билан бевосита боғлиқдир. Зотан, ушбу диний-экстремистик ташкилотлар христианликка жиҳод (муқаддас уруш) эълон қилиш орқали жаҳон миқёсида халифалик-исломий мафкура билан иш кўрувчи давлат тизимини ўрнатишдек шовинистик ғояни илгари сурадилар. Прозелист миссионерларнинг айрим вакиллари бозор иқтисодиётига

ўтаётган мамлакатимизга 90-йилларнинг ўрталарида таълим, табобат тизимига беғараз, гуманитар ёрдам кўрсатувчи (чет тили, компьютер ўрганиш, даволаш ва б.) мутахассислар сифатида кириб келадилар. Миссионерлик, прозелитизм ҳозирги пайтда ўз мақсадлари йўлида турли хил услубларни ишга солмоқдаларки, булардан кишиларимиз айниқса, ёшларимиз яхши хабардор бўлишлари керак. Булар қуйидагилар?

1. Маданиятга мослашиш услуби. Ҳозирги миссионерликда маданиятга мослашиш (contextualistion) услуби жуда оммавийдир. Миссионерлар Овруп ва Жанубий Америка сингари насронийлик анъанаси ҳоким бўлган минтақаларда эмас, бутун дунёда маҳаллий анъана ва одатларга мослашиш фикрини бу услубга асос қилиб олишяпти. Тажрибали миссионер Чарлз Эгал шахсан ўзи қўллаган «маданиятга мослашув» услубининг аҳамияти шундаки, бу шаклда насронийликка қизиқиб Исломдан насронийликка кирган кишилар Ислом маданияти билан муносабатларини узишмайди ва ўз жамиятларида насроний миссиясининг вакили бўлиб, янада фаол иш олиб боришади. Мусулмон жамиятларида миссионерлар мусулмонларга хос дин тили ва истилоҳларини қўллашга қаттиқ эътибор беришади. «Аллоҳ», «расул, «набий», «ваҳий», «оят», «масжид», «Инжил» каби атамалар ва «ҳазрат», «шариф», «машаллоҳ», «иншааллоҳ» сингари диний ифодалар насроний матнларига олинади ва насроний анъанасининг тарғиб-ташвиқида кенг қўлланилади. Мусулмонлар орасида Қуръондан ва ислом маданиятидан баъзи кўчирмалар қўлланилади. Чарлз Эгал мусулмонлар орасида жуда аҳамиятли саналган Фотиҳа сурасини дуо мақсадида ўқиш мумкинлигини айтади. Рўза сингари баъзи исломий ибодатларнинг, чеғараланган ҳолда бўлса ҳам бажарилиши (одамлар ишончини қозониш учун рўза тутиши) ҳақида ҳозир баҳс кетяпти. Яна, мусулмонлар орасида насронийликка оид ваъз ва дуолар жума куни қилинади ва ибодатлар асносида, агар мусиқага ўрин берилса, черков мусиқаси ўрнига маҳаллий мусиқалар чалинади. Мусулмонларнинг қаршилигига учрамаслик мақсадида насронийлашган янги вакилларнинг чўқинтирилишини бир

муддатга кечиктира олиш, бунинг ўрнига рамзий маросим қилиш мумкинлиги маълум қилинмоқда.

2. Мулоқот- миссия услуби. Миссионерлар фақат бир-бирини таниш ва тушунишга асосланган содда мулоқотни қабул қилишмайди. Бир-бирларининг маданиятларини ва эътиқодларини бойитиш мақсадида кўзланган суҳбатни ҳам улар оқлашмайди. Уларнинг асл мақсади -- қаршисидаги кишини насронийлаштиридир. Уларнинг фикрича, мулоқот баҳслашишни эмас, «қутқариш»ни кўзлаши керак. «Нажот - қутулиш»га эришиш эса ўз-ўзидан бўла қолмайди. Бунинг учун қаршисидаги инсонлар билан жозибали муҳитни юзага келтирадиган суҳбат қуриш лозим бўлади.

3. Ижтимоий тадбирлар услуби. Миссионерлик ишларида қулай муҳитни вужудга келтириш учун ижтимоий тадбирларга алоҳида эътибор қаратилади. Миссионерлар насроний таълимотини бошқа инсонларга етказишда учта муҳим унсурга катта аҳамияти беришади:

а) вазиятни яхши аниқлаш;

б) нозик ёндашув;

в) мақсадлар тайинли бўлиши.

Мазкур унсурларнинг амалга ошиши учун фаолият йўналтирилган халқлар билан ижобий муносабатлар ўрнатилиши муҳимдир. Бунинг учун аввало ўртоқлик ва дўстлик муҳити юзага келтирилади.

Миссионерлар шифокор, ўқитувчи, техник, ижтимоий ёрдам вакили, туризмчи ва бошқа ниқобларда турли минтақаларга келиб жойлашишяпти ва айниқса иқтисодий-ижтимоий томондан орқада қолган ўлкаларда халққа кўрсатган хизматлари орқасида миссионерлик фаолиятларига мос шарт-шароитларни яратишяпти.

4.Черковни маҳаллийлаштириш услуби. Черковларни маҳаллийлаш-тиришда йиғилган жамоа сонига қараб икки турдаги муассаса ташкил этилади. Мос ижтимоий ва сиёсий шарт-шароит юзага келиб, жамоа сони етарли миқдорга чиқса, расмий насроний ташкилоти очилади. Бундай жамоа маҳаллий урф-одатларга уйғун иш олиб боради. Ижтимоий-сиёсий шароит етилмаса ва ҳали мўлжалдаги жамоа йиғилмаган бўлса, «уй

черковлари» шаклдаги жамоалар ташкил этилади. Бу уйлар оддий аҳоли уйлари бўлиб, озгина безатилади холос. Миссионер бундай уйларда янги мухлислар, янги насронийлаштирилган шахсларни маълум вақтларда тўплаб, дуо ўқилади, таълим берилади. Одатдаги черков биноларига нисбатан уй черковлари диққатни унчалик жалб қилмайди. Миссионерлар бундай жойларда яхшироқ ниқобланишади, яхшироқ фаолият юритишади. Уй черковлари аҳли яшайдиган масканларда сотиб олинган ёки ижрага олинган ҳовли ёхуд кўп қаватли уйлардир.

5.Ижтимоий-сиёсий вазиятлардан фойдаланиш услуби. Миссионерлик ҳаракатларида айрим минтақаларда юзага келган вазиятларга катта аҳамият берилади. Ҳозирги кунда аввало АҚШ ва бошқа ғарб давлатларида миссионерларга сиёсий кўмак беришяпти. Дунёда содир бўлаётган халқаро воқеа-ҳодисалар, турли ўлкаларга қарши сиёсий ва ҳарбий ҳаракатлар миссионерлар учун ақл бовар қилмас қулай фурсатларни туҳфа этмоқда. Бу ҳолнинг машҳур мисоли 11 сентябрь воқеаларидан сўнг АҚШ (ва унинг иттифоқдошлари)нинг Ўрта Шарққа сиёсий ва ҳарбий ҳаракатларида кўриш мумкин. Демократия ва тинчлик ўрнатиш ниқоби остида кирган ғарб давлатлари Ўрта Шарққа оқиб кирган минглаб миссионерлар учун ҳимоя қалқони бўлишди. АҚШда бўлиб ўтган 11 сентябрь воқеалари миссионерлик ҳаракатлари учун том маънода бурилиш нуқтаси бўлди. Бу воқеалардан сўнг деярли бутун дунё бўйлаб ислом анархия, террорчи дин дея «тарғиб» этилди. Ким қилгани номаълум террор ва зўровонликлар бутун мусулмонларга, уларнинг эътиқодларига ва ҳатто муқаддас Қуръони каримга нисбат берилди. Ана шундай оммавий фикрнинг тарқалиши миссионерлар учун ўта ноёб бир фурсат бўлди. Глобаллашув жараёнини маълум маънода ғарб давлатлари бошқариб тургани учун бутун ер юза миссионерларга фаолият майдони дея қабул этилаётгани айтилмоқда. Бу жараёнда иқтисодий ва сиёсий кучларга суянган миссионерлик қаршисида бошқа дин ва маданиятлар таҳдид остида қолишяпти.

6. Турли воситаларни ишга солиш услуби. Миссионерлик ҳаракатларида қуйидаги алоқа воситаларидан самарали фойдаланилмоқда:

1.Ноширлик фаолияти. Муқаддас матнларнанг маҳаллий тил ва лаҳжаларга таржима қилиниши ва текинга тарқатилиши миссионерлик ҳаракатининг энг бош вазифаси бўлиб келмоқда. Бундан ташқари даъват қилинаётган шахсларнинг савиясига мос китоб, рисола ва шу кабиларни етказишга катта аҳамият берилади.

2.Матбуот ва бошқа ОАВ фаолияти. «Медиа евангелизма», яъни телевидения, радио, газета ва доимий нашрлар орқали тарғибот миссионерликнинг дунё бўйлаб янада тезроқ ёйилишига сабаб бўляпти. Дунёда турли миссионер гуруҳлар назорати остида юзлаб теле, радио каналлари, кунлик ва ҳафталик газеталар, шунингдек, бошқа доимий нашрлар фаол иш юритишяпти.

3.Интернет тармоғи. Ингернет миссионерликда тобора таъсирли қўлланилмоқда. Минглаб, ҳатто ўн минглаб интернет саҳифаларида миссионер ташкилотлари тарғибот ва ташвиқотларини амалга оширмоқда. Шу йўл билан ўзларига «ҳамтовоқ»лар қидиришяпти.

4.Кино тармоғи. Тасвирли воситалар ичида кинонинг алоҳида ўрни бор. Насронийликни тарғиб қилиш ниятида тайёрланган филм ва сериалларнинг, айниқса, учинча дунё ўлкаларида таъсири кучли бўлмоқда. Деярли барча миссионерлар «Исо» филлари каби юзлаб тил ва лаҳжаларда таржима қилинган асарларни видео кассеталарда, CD ва DVD ахборот сақлаш воситалари шаклида насроний бўлмаганларга текин тарқатиш, уларни якка ёхуд кўпчилик бўлиб кўриш «фойдали» эканини таъкидлашмоқда

5.Саёхат ва кўнгилхушликлар. Айниқса, болалар ва ёшлар учун уюштирилгн саёҳатлар ҳамда оромгоҳлар миссионерлик харакатларида ўзига хос «натижа»лар бермоқда. Бир қарашли ижтимоий, маданий тадбир тарзида тақдим этилаётган бу саёҳат ва дам олиш дастурларидан кўзланган мақсад болалар ва ёшлар билан танишиш, уларга яқин бўлиш ҳамда насронийлик ташвиқоти учун қулай шарт-шароит юзага келтиришдир. Мамлакатимизда миссионерлик, прозелитизмга, яъни диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди, шунингдек, виждон эркинлиги ва динга эътиқод

қилиш ҳуқуқини амалга оширишга ҳам тўсқинлик қилинишига йўл қўйилмайди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг «Виждон эркинлигини бузиш ҳақида»ги 145-моддасига мувофиқ диний ташкилотнинг қонуний фаолиятига ёки диний маросимларни ўтказишга тўсқинлик қилиш – энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд икки филгача ахлоқ тузатиш ишлари тайинлаш билан жазоланади. Лекин шунга қарамасдан миссионерлик, прозелитизм мамлакатимизда пинҳона, юқорида кўрсатилган услубларини ишга солган ҳолда фаолият кўрсатмоқдалар. Шунга кўра ушбу мафкуравий таҳдидга қарши туриш ва курашиш ғоявий тарбиянинг асосий вазифаси деб белгиланмоғи зарур ва бу борадаги олиб бориладиган амалий ишлар «Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя» деган тамойилга асосланмоғи керак.

Семинар машғулотига тайёрланишда қуйидаги савол ва топшириқларга аниқ жавоблар топишга урининг:

1. Миссионерликнинг мазмун моҳияти нималардан иборат?
2. Прозелитизмнинг моҳитини тушунтиринг?
3. Прозелитизмнинг асосий мақсади нималардан иборат?

Семинар машғулотида гуруҳ бўлиб ишлаб, талабалар билимини текширишга йўналтирилган топшириқлар:

1-гуруҳ топшириғи. Прозелетизм миссионерликдан қайси хусусияти билан фарқ қилади?

2-гуруҳ топшириғи. Миссионерлик уюшмалари ҳақида нималарни биласиз?

3-гуруҳ топшириғи. Миссионерлик фаолиятининг олиб бориш услублари нималардан иборат?

Мавзуни мустаҳкамлаш учун визуал материаллар





Семинар машғулотига тайёрланишда қуйидаги адабиётлардан фойдаланинг

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2008

2. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида (янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Т.: Адолат, 1998.

3. Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., «Маънавият», 2008, 113-бет.

4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. – Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги, 2004.

5. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т., ЎМЭ, 2003, 6-жилд, 26-бет

6. Жўраев У.Т. Саиджонов Й.С. Дунё динлари тарихи. Тошкент: Шарқ, 1998. – 73 б.

7. Очилдиев А., Нажмиддинов Ж. Миссеонерлик: моҳият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари. Т.: 2013.

8. Оллоёров М. Прозелитизм буюк давлатчилик шовинизми мафкураси сифатида // СамДУ Илмий тадқиқотлар ахборотномаси. – Самарқанд, 2007 №6-6-10 бетлар.

ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИНИ МУСТАҚИЛ БАЖАРИБ БИЛИМЛАРИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ

1. Диннинг функциялари

А) ахлоқий,тарбиявий, мафкуравий

Б) тўдлирувчилик, бирлаштирувчилик, ўзаро алоқадорлик,тартибга солувчилик.

В) тинчлик, дўстлик, тенглик, табиатни мухофаза қилиш.

Г) гносеологик, антропологик, теологик, психологик.

2. Диннинг қандай илдизлари бор?

А) генетик, тарихий, психологий

Б) гносеологик, социал, психологик

В) Социал, биологик, илохий

Г) афсонавий, фалсавий, психологик

3. Дин – бу...

А) Маданий тараққиётнинг қонуниятли босқичи

Б) рухонийлар киритган хаёлий дунёқараш

В) кишиларга Оллох иньом этган хақиқат

4. Диннинг унсурларини санаб беринг

А) Тасаввур, диний-психология, диний ташкилотлар

Б) диний тасаввур, диний ахлоқ, диний мафкура

В) диний онг, диний хис-туйғу, диний ибодат

Г) худога, пайғамбарларга ва фаришталарга ишониш.

5.Динларнинг бир-биридан фарқи нимада?

А) турли тилларда ибодат қилишида

Б) минтақаларида турли аҳолининг жойланишида

В) диний урф-одат ва маросимлар амалга оширилишида

Г) жаҳонда тинчлик учун курашишда.

6.Будда таълимоти нечта ҳақиқатда ифодасини топган?

А) 6 та

Б) 4 та

В) 5 та

Г) 8 та

7.Буддавийликнинг муқаддас китобининг номи?

А) Трипитака

Б) Махаяна

В) Хинаяна

Г) Карма

8.Буддавийликнинг асосий мақсади?

А) донишмандлик

Б) нирвана холатига етиш

В) медитация

Г) ахлоқ нормалари

9.Буддизм собиқ ССРнинг қайси жойларида тарқалган?

А) Ўрта Осиё, Олтой ва Қолмиғистонда

Б) Бурятия, Волга бўйи ва Тувада

В) Бурятия, Қолмиғистон ва Тувада

Г) Узоқ Шарқ, Чукчи ва Каспий бўйида.

10. Христианликнинг қайси окими Европа ва Лотин Америкасида энг ўуп тарқалган?

А) православие

Б) баптизм

В) католицизм

Г) протестантизм.

11. Русияга христианлик қачон кириб келган?

А) 1 асрда

Б) 988 йилда

В) 999 йилда

Г) 900 йилда

12. Католик оқимининг бош рухонийси?

А) монах

Б) поп

В) кардинал

Г) папа

13. Черков, иконаларга қарши чиққан оқим номи?

А) православ

Б) католик

В) протестант

Г) хамма жавоблар тугри

14. Христиан черковларида олий унвон қандай аталади?

А) епископ

Б) кардинал

Б) сенатор

Г) олигарх

15. Шариат нима?.

А) Ислом дини қоидаларини ургатувчи таълимот

Б) барча мусулмонлар учун бажарилиши мажбур бўлган қонунлар, ҳуқуқий-ахлоқий кўрсатмалар тизими.

В) хадислар асосида тузилган тўплам.

Г) оилавий муносабатларни тартибга солувчи қонун.

16. Ислом динида қандай мазхаблар бор?

А) ханафийлар, суннийлар, хорижийлар ва вахоббийлар

Б) моликийлар, ханафийлар, шофиъийлар ва ханбалийлар

В) ислом динидан ажралиб чиккан хамма окимлар мазхаблардир.

Г) акромийлар., нурчилар, хорижийлар

17. Исломдаги асосий амалий ва маросимий талаблар қайсилар?

А) суннат, бибисешанба, ирим-сиримлар

Б) имон келтриш, намоз укиш, руза тутиш, закот бериш, имкони борларга хажга бориш.

В) жаноза, худойи, ашур оши, навруз, никох.

18. Ислом динининг назарий ва гоявий манбалари нима ?

А) шариат конун-коидалари

Б) мухаддислар ёзган хадиси шарифлар.

В) Куръони карим, хадиси шариф ва фатволар

Г) Алло-таоло каломи булган Куръон

19.Виждон эркинлиги нима?

А) кишиларнинг уз миллий динига эътикод қилиш ҳуқуқи.

Б) фуқароларнинг албатта бирон бир жахон динига эътикод қилиш зарурлиги

В) фуқароларнинг динга эътиқд килиш ёки эътиқод қилмасликни ўзлари мустақил хал килиш хуқуқи.
Г) фуқароларнинг динга ишонмаслиги ва унга қарши ташвиқот олиб бориш хуқуқи.

20.Ўзбекистондаги ибодатхоналар, масжид ва мадрасалар фаолиятини ким бошқаради?

А). имом-хатиблар
Б). давлат идоралари
В) диннинг ўзи
Г) Ўзбекистон мусулмонлари идораси.

21.Динларнинг бир-биридан фарқи нимада ?

А) турли тилларда ибодат қилишда
Б) минтақаларида турли ахолининг жойланишида
В) диний урф-одат ва маросимлар амалга оширилишида.

22.Мусулмон диний бошқармалари рахбарлари қандай ном билан аталади?

А) муфтий
Б) суфи
В) мухтасиб
Г) имом.

23.Фуқароларнинг виждон эркинлиги хуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қайси моддасида акс эттирилган?

А) 28-модда
Б) 15-модда
В) 31-модда
Г) 41-модда

24. «Миссионерлик» тушунчасининг маъноси бу…

А) вазифа топшириш
Б) сиёсат юритиш
В) диндорлик
С) эътиқодлилик

25. «Прозелитизм» тушунчасининг маъноси бу..

А) янги мазҳабни қабул қилган киши
Б) диндорликдаги ақидапарастлик
В) диний экстремизм
С) христианликдаги янги оқим

26.Президентимиз Ислом Каримовнинг қайси асарида буюк давлатчилик шовинизми унинг йўналишлари таҳлил қилинган?

А) Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари. Т. 1997.

Б) Юксак маънавият – енгилмас куч. Т, 2008.

В) Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т. 1998.

С) Маънавий юксалиш йўлида. Т. 1998.

27. И.А.Каримовнинг қайси асарида глобаллашув давридаги маънавий таҳдидлар таҳлил қилинади?

А) Юксак маънавият – енгилмас куч. Т, 2008.

Б) Янгича фикрлаш ва ишлаш -давр талаби. Т. 1997.

В) Ўзбекистон буюк келажак сари. Т. 1998.

С) Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т. 1998

28. Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуни янги таҳрирдаги варианти қачон қабул қилинган?

А) 1998 йил 1 май

Б) 1998 йил 5 декабрь

В) 1996 йил 3 май

С) 1995 йил 10 июнь

29. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг «Виждон эркинлигини бузиш ҳақидаги» қайси моддасида диний қарашларни миссионерлик йўли билан сингдиришга йўл қуйилмаслиги кўрсатилган?

А) 145 – моддасида

Б) 150 – моддасида

В) 120 - моддасида

С) 130 – моддасида

30. Мусулмонлар орасида баъзида Қуръондан, Ислом маданиятидан фойдаланиш миссионерликнинг қайси ҳаракат услубига киради?

А) Маданиятга мослашиши услубига

Б) Мулоқот услубига

В) Черковни маҳаллийлаштириш услубига

С) Ижтимоий вазиятлардан фойдаланиш услубига

31.«Нажот қутулиш», «қутқариш»ни кўзлаш қайси ҳаракат услубида қўлланилади?

А) Мулоқот – миссия услубида

Б) Маданиятга мослашиш услубида

В) Черковни маҳаллийлаштриш услубида

С) Ижтимоий вазиятлардан фойдаланишда

32. Миссионер Чарлз Эгал қайси ҳаракат услубининг асосчиси?

А) Маданиятга мослашиш услубининг
Б) Мулоқот – миссия услубининг
В) Черковни маҳаллийлаштиришнинг
С) Ижтимоий вазиятлардан фойдаланишнинг

33. Прозелетизм миссионерликдан қайси хусусияти билан фарқ қилади?

А) Кишилар руҳиятига психологик, нейролингвистик таъсир кўрсатиш билан
Б) сиёсий онгига таъсир кўрсатиш билан
В) Моддий ёрдам кўрсатиш билан
С) Алдов, ёлғончилик йўли билан

34. Қайси асрда иезуитлар раҳбарлигида «Диний тарғибот кангрегацияси Шарқ мамлакатларига миссионерларни жунатган»?

А) XVI асрда
Б) XX асрда
В) XVII асрда
С) XIX асрда

35. Дастлаб қачон ва қаерда прозелитизм, миссионерлик жамияти таъсис этилган?

А) 1795 йилда Лондонда
Б) 1710 йилда Эденбургда
В) 1814 йилда Парижда
С) 1775 йилда Берлинда

36. 2005 йил май ойида Қирғизистонда «бахмал» инқилоб қандай негизда содир бўлган?

А) Прозилитизм негизида
Б) Миллатчилик негизида
В) Иқтисодий негизда
С) Сиёсий негизда

37. «Географик ўқ» деб ном олган қарашнинг асосида қандай ғоя ётади?

А) буюк давлатчилик шовинизм
Б) иқтисодий интеграция
В) маънавий интеграция
С) энергия заҳираларини аниқлаш

38. Диний экстремизм ва фундаментализм И.А.Каримовнингқайси асарида таҳлил қилинган?

А) Ўзбекистон XXI аср бўсағасида Т., 1997.
Б) Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., 2008.
В) Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., 1998.

С) Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., 1998.

39. Ўзбекитон Республикаси Контитутциясининг қайси моддасида виждон эркинлиги белгилаб қўйилган.

А) 31 – моддасида.;

Б) 15 – моддасида.;

В) 64 – моддасида.;

С) 44 – моддасида.;

40. Муқаддас матнларнинг маҳаллий тил ва лаҳжаларга таржима қилиниб, текин тарқатилиши миссионерликнинг қайси харакат услубида қўлланилади?

А) Турли воситаларни ишга солиш услубида;

Б) Сиёсий воситалардан фойдаланишда;

В) Мулоқот – миссия услубида;

С) Черковнинг маҳаллийлаштирилиши услубида.

41.Прозелитизм келтириб чиқарадиган ноҳуш оқибатларнинг энг муаммовийлиги бу:

А) Христианликни қабул қилганларнинг вафот этганида мусулмонларнинг қабристонига қўйиш;

Б) Хатна қилдириш;

В) Турмуш қуриш;

С) Ишга жойлаштириш.

42. Энг кам иш ҳақининг 50 баробаридан 100 миқдорида қамоқ "диний ташкилотлар тўғрисидаги Қонун хужжатларини бузиш" Жиноят кодексининг қайси моддасида берилган.

А) 216^2 - моддасида;

Б) 216^1 – моддасида;

В)215^1 – моддасида;

С) 215^5 – моддасида;

43.Миссионерлик, прозелтизм фаолиятининг олдини олиш чора-тадбирларини олиб боришда қандай тамойилга асосланиш керакк?

А) Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя;

Б) Бағрикенлик;

В) Кескинлик;

С) Муросасизлик.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Контитутцияси. –Т., «Ўзбекистон», 2008.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т., «Ўзбекистон», 1999.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. – Т., «Ўзбекистон», 2008.
4. Маънавий юксалиш йўлида (Муаллифлар жамоаси) – Т., «Маънавият», 2008.
5. Диншунослик асослари. А.И. Абдусамедов таҳрири остида.Тошкент: «Ўзбекистон», 1995.
6. Жўраев У. , Саиджонов И. Дунё динлари тарихи. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1998.
7. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Ҳ. ва бошқалар. Диншунослик. Дарслик, - Т., "Меҳнат", 2004.
8. Жўраев У. , Саиджонов И. Дунё динлари тарихи. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1998.
9. Жабборов И., Жабборов С. Жаҳон динлари тарихи. – Т., "Ўзбекистон", 2002.
10. Бозоров М.Ж., Мардонов Р.С.. Диншунослик асослари.(маърузалар матни) Самарқанд, 2001
11. Сагдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. – Т., "Ўқитувчи", 1996.
12. Қаюмов А., Исҳоқов М. ва бошқалар. Қадимги ёзма ёдгорликлар. – Т., "Ёзувчи", 2000.
13. Отамуродов С., Ҳусанов С., Раматов Ж., Маънавият асослари . Ўқув қўлланма. – Т., 2002.
14. Инжил. Стоголм, Библияни таржима қилиш институти, 1992.
15. К истории христианства в Средней Азии (XIX-XX вв.). Т., "Ўзбекистон", 1998..
16. Ҳасанов А.А. Макка ва Мадина тарихи. Т., "Меҳнат", Т., 1991.
17. Большаков О.Г. История Халифата. Т.I. Ислам в Аравии (570-633). М., 1963.
18. Қуръони карим маъноларининг таржимаси/ Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. Т., "Тошкент ислом университети" нашрёти, 1991.
19. Кароматов Ҳ.С. Қуръон ва ўзбек адабиёти. Т., "Фан", 1993.
20. Маҳдум Шайх Исмоил. Тошкентдаги Усмон Муҳафининг тарихи, Т., 1995.
21. Словарь иностранных слов. М.: Русский язык, 1989, - 411 с.

22. Маънавий таҳдидлар: миссионерлик ва прозелитизм (моҳияти, келиб чиқиши, шакллари, муаммолари). – Тошкент, Мовароуннаҳр, 2011. 36 бет.

23. Оллоёров М. Прозелитизм буюк давлатчилик шовинизми мафкураси сифатида // СамДУ Илмий тадқиқотлар ахборотномаси. – Самарқанд, 2007 №6-6-10 бетлар.

24. Нуруллаев А.А. Проблемы гармонизации христианско – мусульманских отношений в СНГ (htt // ww feent Bishkek su / jornal / ny JRNAL YII ntm)

25. Мирзахалимов К. Проблемы прозелитизма в Кыргизистане // "Центральная Азия и Кавказ" журнал. 3 №1, (31), 2004, с 98-103.

26. «Халқ сўзи» газетаси. 2005 йил, 19 январь, 1-бет

МУНДАРИЖА

Кириш 3
1-мавзу: Диншунслик фанига кириш 4
2-мавзу: Диннинг ибтидоий шакллари 8
3-мавзу: Миллий динлар 12
4-мавзу: Зардуштийлик 17
5-мавзу: Буддавийлик 21
6-мавзу: Христианлик 27
7-мавзу: Ислом 37
8-мавзу: Исломнинг асосий манбалари 42
9-мавзу: Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар 50
10-мавзу: Миссионерлик ва прозелтизмнинг салбий оқибатлари 61
Тест топшириқлари 70
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати 77

М.А.ХАНДАМОВА

ДИНШУНОСЛИК
фанидан семинар машғулотларини ўтказиш бўйича ўқув-услубий қўлланма

Муҳаррир: А. Кўчибоев
Тех.муҳаррир: Ҳ. Амирдинов
Мусаҳҳиҳ: З. Ҳамдамов

2014 йил 2 июлда босишга рухсат этилди.
Қоғоз бичими 60x84 1/16. Офсет қоғози. Шартли босма табоғи 5,0
Нашриёт ҳисоб табоғи 3,5. Адади 100 нусха. Буюртма №158.

СамДЧТИ нашр-матбаа марказида чоп этилди.
Манзил: Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 93-уй.